

**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Тошкент ислом университети**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 297+929(09)*

Камилов Даврон Зафарович

Теодор Нёльдекенинг Ғарб Қуръоншунослигидаги ўрни

Мутахассислик: 5А 220401 – Исломшунослик

Магистр

Академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар: т.ф.н., доц.б.в.

А.Ғ.Абдуллаев

Тошкент – 2012

М у н д а р и ж а

Кириш.....	3
I БОБ. ҒАРБ ҚУРЪОНШУНОСЛИГИ ВА ТЕОДОР НЁЛЬДЕКЕНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ.	
1.1. Ғарбий Европада Қуръонни таржима қилиш ва тадқиқ этишнинг ривожланиш босқичлари	9
1.2. Нёльдекенинг «Қуръон тарихи» асари манбашунослик таҳлили.....	25
II БОБ. ТЕОДОР НЁЛЬДЕКЕ АСАРЛАРИДА ҚУРЪОН МАТНИНИНГ ЖАМЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ТАЛҚИНИ.	
2.1. Ғарб қуръоншунослигида “ваҳий” тушунчасига муносабат.....	36
2.2. Нёльдекенинг Маккада нозил бўлган Қуръон сура ва оятлари бўйича ўзига хос қарашлари	51
2.3. Нёльдекенинг Қуръон жамланишига доир қарашлари.....	57
Хулоса.....	74
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	78
Илова	82

КИРИШ

**“Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон
йўлга бошламайди. Дин бу
дунёнинг ўткинчи эканини,
охиратни эслатиб туради, одам
боласини хушёр бўлиб, ҳаром
ишлардан, ҳаром йўللардан узоқ
юришга, яхши бўлишга, яхши из
қолдиришга ундаб туради.”**

И. А. Каримов

Мавзунинг долзарблиги. Истиқлол йилларидан кейин юртимизда илм-фан ва маданият соҳаларида улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Булар каторига диншунослик фанининг исломшунослик соҳасини ҳам киритиш мумкин. Эндиликда, бу соҳада фаолият олиб борувчи мутахассислар нафақат маҳаллий, балки чет тилларидаги махсус адабиётлардан фойдаланиш, ғарб исломшуносларининг асарлари билан танишиш имконига эга бўлдилар. Бугунги кунда нафақат ислом, балки, ғарб дунёси исломшуносларининг асарларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, бу соҳа мутахассисларининг дунёқарашини кенгайтириш ва янгидан янги мавзудаги тадқиқотлар олиб боришда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ислон Каримов шундай дейди: «Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аجدодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ¹».

¹ Каримов И.А . Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. — Б. 36.

Маълумки, Қуръон ислом таълимотининг бирламчи манбаси ҳисобланади. Мазкур муҳим манбанинг тарихини тадқиқ этиш, ундаги маълумотларни таҳлил этиш, шу билан бир қаторда бошқа диний манбалар билан қиёслаш ҳамма вақт шарқ ва ғарб олимларини бирдек қизиқтириб келган масалалардан бири саналади. Айтиш мумкинки, ҳар икки тарафнинг Қуръонни ўрганишга бўлган қизиқишлари бирдек бўлса ҳам, уларнинг тадқиқотдаги ёндашувлари, услублари ва бир-бирини такрорламайдиган қарашлари ҳар икки тарафни бир-биридан кескин ажратиб туради. Бугунги кунда мамлакатимизда кўплаб шарқ мусулмон олимларининг Қуръон илмлари ҳақидаги бир қатор асарлари, уларнинг мазмун-моҳияти, аҳмияти юзасидан талайгина тадқиқотлар амалга оширилди ва бу турдаги изланишлар ҳозирда ҳам давом этмоқда. Бироқ, Қуръоннинг ғарб дунёсидаги ўрни ва у ердаги бошқа дин вакиллариининг мазкур манба юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари, амалга оширган таржималари, олиб борган тадқиқот ҳамда изланишлари етарли даражада тадқиқ этилмаяпти, дейиш мумкин.

Европада XIX асрда амалга оширилган Қуръоннинг кўп сонли таржималари ва улар юзасидан босқичма-босқич амалга оширилган тадқиқотлар ривожланган илм-фаннинг ажралмас бўлагига айланди. XIX асрнинг сўнгги чораги XX асрнинг бошларида эса, Қуръонни ўрганиш юзасидан янгича услуб тарафдорлари пайдо бўла бошлади. Жумладан, А.Гейгер, К.Герок, Г.Вайл, Х.Хиршвелд, Я.Барта, Й.Хорович, Нёльдеке ва унинг шогирдлари амалга оширган тадқиқотлари орқали Қуръонни танқидий ўрганиш ва тадқиқ этишда янги босқични бошлаб бердилар.

Жумладан, «ғарб танқидий қуръоншунослигининг отаси» сифатида тан олинган Теодор Нёльдекенинг ҳаёти ва илмий фаолияти билан яқиндан танишиш Қуръонни танқидий тадқиқ этиш услуби ривожланган давр шароитларини тўлақонли тушунишимизга ёрдам беради.

Олим сомий тили ва тарихи соҳасининг йирик мутахассисларидан бўлиши билан бирга, ғарбий Европада қуръоншунослик соҳасини такомиллашувида алоҳида ўрин эгаллаган шахс сифатида танилган. Унинг бу

йўналишда ёзган «Қуръон тарихи» асари кўплаб ғарб қуръоншуносларига таянч манба вазифасини ўтади. Шу билан биргаликда шарқ мусулмон олимларининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Унинг мазкур соҳада олиб борган тадқиқотлари диний манба сифатидагина қараб келинган Қуръонни соф илмий тадқиқот объекти бўла олишини исботлади. Айнан мана шу сабабларга кўра «Қуръон тарихи» асарининг танқидий ёндашув услуби замонавий қуръоншунослик соҳасида ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган, шу билан биргаликда унинг илмий ижоди ғарб қуръоншунослигининг ривожига ўзига хос ўрин тутди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Теодор Нёльдекенинг Ғарб Қуръоншунослигидаги ўрни мукамал тадқиқ этилмаган бўлиб, умуман қуръоншунослик илми ҳақида Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий, Абдулқодир ат-Тамимий, Абу Саъд ас-Самъоний, Абдулқодир ал-Қураший, Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий, Ҳожи Халифа, Довудий, Ибн Қутлубуғо, Умар Ризо Каҳҳола, аз-Зириклий, ал-Лакнавий² каби олимлар тамонидан ўрганилган. Шунингдек, Европа олимларидан К.Броккельман, Ф.Сезгин, Ж.Шахт, Ван Эсс³ларнинг тадқиқотларида мавжуд.

²Қаранг: Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. Мунтахаб аълом ал-ахёр фи табақот ҳанафий ал-мухтор. Қўлёзма – ЎзР ФАШИ, Қўлёзма № 2533/IV. – В. 132^б–133^а. (Бундан кейин Мунтахаб аълом ал-ахёр); Тамимий Абдулқодир. Мунтахаб табақот ал-ҳанафия. Қўлёзма. – ЎзР ФА ШИ, Қўлёзма. № 2533/V. – В. 254^а (Бундан кейин Мунтахаб табақот ал-ҳанафия); Абу Саъд Абдулқарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. Ал-Ансоб. 5 жилдли / Абдуллоҳ ибн Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998. Ж. 1. Б. 515. (Бундан кейин Самъоний. Ал-Ансоб); Қураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абилвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳир ал-музийяа фий табақот ал-ҳанафия. 5 жилдли / Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулв таҳрири остида –Қоҳира: Ҳижр, 1993. Ж. III. Б. 196 (Бундан кейин ал-Қураший. Жавоҳир ал-музийя); Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон (673-748). Сияр аълом ан-нубало. / Шуъайб ал-Арноут ва Муҳаммад Наъим ал-Арқусий таҳрири остида. 23 жилдли – Байрут: Мавсуа ар-рисола, 1992. Ж. 16. Б. 322-323; Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. Макка: Мактаба ал-файсалия, 1981. Ж. II. Б. 1187, 1220, 1580 (Бундан кейин Кашф аз-зунун); Довудий Шамсуддин Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад. Табақоту-л-муфассирин / Абдуссалом Абдулмуъин таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2002. – Б. 530; Ибн Қутлубуғо ал-Қосим ибн Абдуллоҳ ас-Судуний. Тож ат-тарожум фий табақот ал-ҳанафия. –Leipzig: Flugel, 1862; Каҳҳола Умар Ризо. Муъжам ал-муаллифин. 15 жилдли. –Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 1980. Ж. XIII. Б. 91; Хайруддин Зириклий. Ал-Аълом. 8 жилдли. – Байрут: Дор ал-илм лил-малайин, 1998. VIII, 348-349; Лакнавий Муҳаммад Абдулхай ал-Ҳиндий. Ал-Фавоид ал-баҳия фий тарожуми-л-ҳанафия. 2 жилдли. – Қоҳира, 1906.

³ Қаранг: Броккельман К. Geschichte der arabischen Litteratur (GAL): T. I-II.-Weimar-Berlin: 1898; Сезгин Ф. Geschichte der arabischen Schriftums (GAS). —Leiden: Brill, 1967. Ж.I. Б. 445-450; Schacht J. Abu'l Layth al-Samarqandi. Encyclopedie de l'Islam. Nouvelle ed. –Leiden-London: Brill, 1965. – Ж 1, Б. 137; Van Ess. Abu'l Layth al-Samarqandi. Encyclopedy of Iranica –London, 1987. –Б. 332-333.

Айтиб ўтиш лозимки, XIX асрдан қуръоншунослик борасида ғарб тадқиқотлари ҳамда уларнинг Қуръонга нисбатан танқидий ёндашувлари кейинги даврда мусулмон шарқи олимларининг уларга нисбатан раддия беришларига сабаб бўлиб, бу борадаги тадқиқотларга янги мавзулар кириб келишига замин яратди.

Ғарб қуръоншунослиги тадқиқотлари араб-мусулмон олимларининг Қуръонга доир масалаларга янги қараш ва фикрлари билан ойдinлик киритишларига туртки бўлди. Чунки ғарб шарқшунослари Қуръонга доир илмий қарашлари билан бирга танқидий қарашлари бўлганлигидан мусулмон олимлари ва оммаси томонидан тўлиқ тарзда қабул қилинмади. Балки улар танқидий қарашларга раддия бериш, мушкул ўринларга изоҳлар беришга ҳаракат қила бошладилар. Лекин замонавий араб-мусулмон қуръоншунослиги тўлиқ ғарб қуръоншунослигига раддия юзасидан иш олиб бормайди. Балки, вужудга келган муаммо ва саволларга замона талабларидан келиб чиққан ҳолда жавоб берувчи изланишлар олиб боришга ҳам ҳаракат қилинади. Муҳаммад ибн Саломанинг “Манҳажул Фурқон фий улумил Қуръон”, Манноъ Қаттоннинг “Мабоҳис фий улумил Қуръон”, Муҳаммад Али Собунийнинг “Тибён фий улумил Қуръон” ҳамда Муҳаммад Абдулазим Зарқонийнинг “Маноҳилул Ирфон фий улумил Қуръон”, Муҳаммад Бакр Исмоилнинг “Диросот фий улумил Қуръон”, Иброҳим Ибёрийнинг “Мавсуъат ал-Қуръония” асарлари ҳозирги даврда соҳа бўйича муҳим тадқиқот бўлиб турибди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертацияси учун асос этиб олинган мазкур тадқиқотдан кўзланган мақсад Европада Қуръоннинг ўрганилиш тарихи ва қуръоншунослик соҳасининг ривожланишини, шу билан бир каторда, Нёльдекенинг Ғарб қуръоншунослигига қўшган ҳиссаси, унинг қуръоншуносликка оид илмий меросини имкон қадар ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Шу билан бирга, мусулмон олимларининг унинг асарлари бўйича берган баҳоларини аниқлаш ҳамда ўзига хос ёндашувини ўрганиш ҳам шулар жумласига киради.

Тадқиқотдан кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар олдинга қўйилган:

- Ғарбий Европада Қуръонни таржима қилиш ва тадқиқ этишнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиш босқичларини ўрганиш;
- Нёльдекенинг ҳаёти ва илмий фаолиятини ёритиш;
- Олимнинг «Қуръон тарихи» асарига умумий тавсиф бериш ҳамда манбашунослик таҳлилини амалга ошириш;
- Муҳаммад(с.а.в.)нинг пайғамбарлиги ва ваҳий воситасида таълимотнинг юзага келишига ғарб қуръоншуносларининг муносабатини кўрсатиб бериш;
- Нёльдекенинг маккий ва маданий суралар бўйича қарашларини очиб бериш;
- Қуръоннинг ягона ривоят асосида жамланиши ва бошқа тарқок ривоятларни рад этилиши сабаблари ҳақидаги фикрларни батафсил баён қилиш;
- Нёльдекенинг Қуръондаги сураларнинг хронологик жойлашиш тартиби борасидаги фикрларини ўрганиш шу билан бирга мусулмон олимларининг унинг қарашларига муносабатини очиб беришдан иборат;

Амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти унинг муҳим тарихий ва манбашунослик маълумотларининг қиёсий таҳлили, илмий холислик билан ўрганилгани ва ўзига хос маълумотлар базасини ташкил қилганидир. Амалий аҳамияти эса, шу соҳа мутахассислари учун кейинги тадқиқотларга замин бўлиб хизмат қилишида, нафақат тор илмий доира вакиллари, балки қуръоншуносликка қизиқувчи ҳар қандай шахс учун қимматли маълумотлар бера олишида намоён бўлади.

Илмий янгилиги. Тадқиқот ишида методологиянинг қиёсий, тарихий, герменевтик ва бошқа усулларида фойдаланилди, ноёб тарихий маълумотлар ва иловалар келтирилди. Шунингдек, ғарбий Европанинг Қуръонга бўлган муносабати хронологик тартибда алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Диссертациянинг илмий янгилиги сифатида яна қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Нёльдекенинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳамда қуръоншунослик ривожига қўшган ҳиссаси ёритилди.
- Нёльдекенинг Қуръон тарихига бағишланган «Geschichte des Qorans» (Қуръон тарихи) асарининг манбашунослик таҳлили амалга оширилди.
- Ислом таълимотида муҳим масала саналган ваҳий ҳақидаги ғарб қуръоншуносларининг тадқиқотлари баъзи мусулмон олимларининг фикри билан солиштирилди.
- Қуръон сураларининг тартиби юзасидан олимнинг фикр-мулоҳазалари келтирилди.
- Қуръоннинг жамланиши ҳақидаги олимнинг қарашлари очиқ берилди.

Тадқиқотнинг объекти. Қуръоншунослик, хусусан, ғарбий Европада юзага келган танқидий қуръоншунослик ҳамда, унинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқот объекти қилиб белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети. Нёльдекенинг «Geschichte des Qorans» (Қуръон тарихи) асарининг немис ва араб тилларидаги нашрлари тадқиқот предмети сифатида олинди.

Шунингдек мавзуга доир ўзбек, рус, немис ва араб тилларида нашр этилган бир нечта махсус адабиётлар ҳам кўриб чиқилди. Интернет тармоғидан ҳам унумли фойдаланилди.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, икки боб, бешта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

I БОБ. Ғарб қуръоншунослиги ва Теодор Нёльдекенинг илмий фаолияти.

1.1. Ғарбий Европада Қуръонни таржима қилиш ва тадқиқ этишининг ривожланиш босқичлари

Қуръон башарият тарихининг сўнгги ўн тўрт асри мобайнида муҳим аҳамият касб этган, ислом таълимотининг марказий қисмини эгаллаган манбадир. Айтиш мумкинки, мазкур китоб ғарб мамлакатларида танила бошлаган даврлардан то бугунги кунга қадар турли тарзда талқин қилинди ва ўрганилди. Ўтган асрларда инсоният кўплаб ғоявий тўнтарилишлар ва маданий инқилоблар даврида яшаб, оммавий равишда бир-бири билан ўрин алмашган диний-сиёсий ҳаракатлар, шон-шуҳрат қозонган ва таназзулга юз тутган фалсафий концепция ва мактаблар, ўзгариб турувчи маданиятларга гувоҳ бўлди. Мазкур жараёнларга эътиборимизни қаратсак, Қуръонга бўлган муносабатлар ҳар бир даврнинг ғоявий таъсири остида ўзгариб борганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

XIII асрнинг иккинчи ярми бошларидаёқ ислом ғарб халқларининг, хусусан, Шарқий Европа (Испания, Ўртаер денгизи ороллари, Болқон, Хазор ўлкаси, Болгария, Олтин Ўрда, Қора денгизнинг шимоли, Қрим, шимолий Кавказ) халқларининг ажралмас тарихига айланиб қолди. Ғарбий Европада ислом таълимотининг тарқалиши эса мазкур диннинг бирламчи манбаси бўлган Қуръонни тадқиқ қилишниши ҳамда таржима ва нашр ишларида ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, амалий жиҳатдан айна бир вақтнинг ўзида Қуръонни ўрганувчи икки ўзига хос бўлган исломий ва ноисломий мактаблар вужудга келди⁴.

Умуман, Қуръонни ноисломий услубда ўрганиш узок тарих давомида турли сабабларга кўра бир қанча босқичларни босиб ўтди. Дастлабки босқич VIII-XVII асрларни ўз ичига камраган бўлиб, унда исломни, хусусан Қуръонни ўрганувчиларнинг аксарият қисмини христиан руҳонийлари ёки

⁴Резван Е.А. Коран и его мир.- Санкт-Петербург: С-Петербургское востоковедение, 2001. – С. 352-353.

уларнинг буюртмалари асосида ўрганувчи шахслар ташкил этар эди. Мазкур босқичнинг юзага келиш сабаби эса юқори суръатларда тарқалиб бораётган ислом тамаддуни ва унинг ён атрофдаги цивилизацияларга қаратилган диний, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий улкан таъсири оқибатида вужудга келди.

Араб маданияти қўшни цивилизацияларга катта таъсир ўтказди. Ўрта асрларда Исломнинг Европага таъсири кўп режали ва турли томонлама эди. У ҳаётнинг турли жабҳаларини ўзига қамраб олган, хусусан, маиший, илмий, диний, адабий, техникавий, фалсафага оид, савдо-иқтисодий ва жамият маданиятига таалуқли ишларда яққол акс этар эди⁵.

Ислом динини танитган араб истилоларидаги эришилган муваффақият христиан муаллифларини мусулмонларининг исломдаги мақсад-муддаolari ҳақидаги асосий маълумот берувчи, деб ҳисобланадиган муқаддас китоб Қуръонга эътибор қаратишга ундади. Христиан солномачилари араб истилоси даврида ўз мақсадлари йўлида имкони борича Қуръондан ёки унинг маънолари баёнидан иқтибос келтира бошладилар. Ана шундай Қуръон билан яқиндан таниш шахслардан бири Сурияда яшаган ва руҳоний бўлгунга қадар Умавийлар қўл остида фаолият олиб борган Иоан Дамаскин (ваф. 750 й.) эди. Ҳижрий иккинчи асрда илк бор Иоан Дамаскин ислом таълимоти масалаларига тўхталиб ўтилган «Бидъатчилар ҳақида китоб», «Сарацинлар ва насронийлар орасидаги музокара» асарларини ёзиб қолдиради⁶. Умавийларни «ёзувчи шахслар»га нисбатан олиб бораётган мўътадил сиёсати сабабли ва араб истилолари давридаги қўл остиларидаги христиан динига кўрсатилган чуқур ишонч Иоан Дамаскиннинг мунозарали асарини кескин диний-сиёсий тусда баҳоламади. У ўз асарида исломни бидъат ҳисоблаб, мусулмонларни ақидавий хато йўлдаликлари ҳақида баҳс-мунозарага киришар экан, ўз навбатида христианлар ҳам Библияни нотўғри талқин қилишда айблайди.

⁵Монтгомери Уотт. Влияние ислама на средневековую Европу. – М.: Издательство "Наука", 1976. – С. 6.

⁶Резван Е.А. Коран и его мир.- Санкт-Петербург: С.-Петербургское востоковедение, 2001. – С. 353.

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, X асрда Византияда Қуръоннинг юнон тилига таржимаси мавжуд бўлган. Мазкур таржимани империянинг лотин тилида сўзлашувчилар минтақасига мансуб бўлган, ижтимоий келиб чиқиши арабларга бориб тақаладиган шахс амалга оширган.

Шунингдек, мусулмонларга қарши қаратилган Сурия мунозарачилари битикларида (масалан: Яковитлар епископи Дионисия бар Салибий (ваф.1171 й.)) гоҳ узун, гоҳ қисқа тарзда Қуръонга тегишли бўлакларни ёза бошлайди.

Шарқ мусулмон олимларининг асарларини таржима қилиш ишлари дастлаб X асрда бошланган бўлса, XVIII асрга келиб эса кенг ривожланиб кетди⁷.

Тез суръатларда араб тилидаги асарлар таржимаси сонининг кескин ортиши 1085 йили христианлар томонидан Толедонинг забт этилиши билан боғлиқ бўлиб, муваффақиятдан руҳланган Европаликларнинг араб-мусулмон маданиятига қизиқиши юксала бошлади. Айти шу пайтда давр савиясига мос равишда таржима қила олиш иқтидорига эга шахслар фаолият олиб борди. Англиядан Кеттонлик Роберт, архидекон Памплон ва Херман Далматиский Испанияда астрономия ва метралогия бўйича араб тилидаги асарларни таржимаси билан шуғулланишади.

Маълумки, салиб юришари Европа зиёлилари ўртасида ислом динига бўлган қизиқишни орттирди. Шубҳасиз, ислом ҳақида бир канча маълумотлар аввалда Византия манбаларида ва Испанияда мусулмонлар ва христианларнинг алоқалари туфайли тез-тез учраб турган. Мазкур маълумотларда тўғри ва нотўғри хабарлар бир-бири билан қоришиб кетган эди. Арабларга нисбатан Муҳаммадга сиғинувчи гумроҳлар деб қаралса, Муҳаммад(с.а.в.)нинг шахсияти ҳақида эса “афсунгар” ёки “иблис” сифатида

⁷ Ҳасан Ҳанафий. Фил ал-фикр ил-ғарбий ил-муъасир.-Байрут: ал-муассасат ул-жамъия, 1990.1-жилд. – Б. 18.

таърифланарди. Ислом динини эса жинсий эркинлик ва ахлоқсизликни қўллаб-қувватлайдиган дин сифатида эътироф этишарди⁸.

Европа иккинчи салиб юришига таёргарлик кўраётган 1142-1143 йилда Ключон ибодатхонаси аббати Петра Достопочтен (Petrus Venerabilis 1092-1156 й.) буйруғига биноан «Сарацин Муҳаммад» номли дастлабки лотин тилидаги Қуръон таржимасини амалга оширишди⁹. Илк ўрта асрларда ғарбий Европада истиқомат қилувчилар Византияликлардан ўрганишган «Саррацин» сўзини тилга оғир келмаслиги учун «сарацин» шаклига келтиришади. Мазкур сўзга изоҳ бериб, пайғамбар Иброҳимнинг аёли «Соранинг фарзандлари» деган шубҳали тушунчани шакллантиришди. Мазкур сўзнинг изоҳини мутлак тўғри, деб айтиб бўлмайди. Зеро «Arabia felex» яъни, Арабистон ярим оролининг жанубида вужудга келган дастлабки қабилалар билан боғлиқ бўлган дастлабки миллат Иброҳимнинг аёли Сорадан эмас, унинг Мисрлик жорияси Ҳожар фарзандларидан тарқалган эди. Модомики мазкур миллат Ҳожар билан боғлиқ экан уларни «Сарацинлар» эмас, «Хожарийлар» деб ном олган бўлардилар. Бу эса нотўғри этимологик ёндашув таъсирида вужудга келганлиги аниқ ҳақиқат. Бошқа яна бир изоҳда ушбу сўз чўллик уюшган қароқчилар тўдаси (араб тилидаги «шарика» яъни бирлашма сўзидан келиб чиққан ҳолда) деган маънони англатади, деб мулоҳаза юритишади. Яна бир талқинга кўра «Сарацин» сўзи «сарақа» яъни ўмариш ёки «саррак» яъни фирибгар, муттаҳам сўзларига боғлиқ ҳисобланади¹⁰. Нима бўлган тақдирда ҳам мазкур сўзни арабларга қўлланилган таҳкиромуз атама сифатида тушунишимиз мумкин.

Пётр Достопочтённый тузган, шунингдек унга Петр Толедский ҳамда Пуатьелик Петрлар келиб қўшилган таржимонлар гуруҳи яна бир қатор ҳадис тўпламларини таржима қилишади. Хусусан, пайғамбар ва яҳудий

⁸ Монтгомери Уотт. Влияние ислама на средневековую Европу. –М: Издательство "Наука", 1976. – С.15.

⁹ Нёльдеке. Тарих ул-Қуръон/Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар. Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1-жилд. – Б. 12.

¹⁰ Франко Кардини. Европа и ислам история непонимания. Санкт-Петербург: Alexandria, 2007. – С. 16.

ҳамда икки мунозарачи ҳақидаги «Масоил Абдуллоҳ бин Салом» ривоятлари таржима қилинади.

Мазкур таржималар замиридаги асл мақсад Пётр Достопочтеннийнинг – “эклесия милитанс” (*ecclesia militans*)¹¹ черкови мавқеидан туриб бу борада ўзига хос тўплам тузиш ҳамда ислом ҳақида асар ёзган дастлабки Европалик саналган Педро Альфонса (ваф. 1140) машаққат билан ислом ҳақида илиқ тушунчалар уйғонишига сабаб бўлган таълимотини қоралаш мақсади олға сурилган. Улар Европада ислом ҳақида фикрларни шакллантиришда салмоқли ўринни эгаллашган эди. Ключ ибодатхонаси кутилмаганда Қуръонни илк бор латин тилига таржима қилинган маскан сифатида эътироф этиладиган бўлиб қолди. Ўша даврда у христиан дунёсининг исломга қарши турувчи муҳим мафкурувий марказларидан бири эди.

Фақатгина 62 йилдан сўнг христианлар шимолий Африкани қарам қилганларидагина мусулмонлар томонидан тўланган товон пулини ибодатхонага қайтариш имконияти вужудга келади.

Мазкур аср сўнггида Ключ ибодатхонаси руҳонийлари исломга қарши курашда христианлар кучини бирлаштириш учун кўплаб саъй-ҳаракатларни амалга оширадilar.

Пётр Достопочтеннийнинг айтган гаплари орасида қуйидаги фикрларни учратиш мумкин: “Мен сизларнинг устингизга доимгидек қурол воситасида эмас, балки сўз воситасида, захирада тўплаб қўйган кучим билан эмас, аксинча, идроким билан, ёмон кўриш билан эмас, билъакс севги билан хужум этаман”. Мазкур сўзлар катта ғоявий кураш бошланишидан яққол дарак берар эди.

Иккинчи маротаба Қуръоннинг таржимаси 1209-1210 йили Марк Толедский томонидан архиепископ Дон Родриго Хименса де Рада (тах. 1170/1180-1247 й.) буйруғига биноан амалга оширилади. Мазкур буюртма долзарб сиёсий ва миссионерлик мақсадларини ўз ичига камраб олган эди.

¹¹ Ғарбий Европада ўрта асрларда катта таъсир кучига эга бўлган жанговар черков.

Марк Толедский таржима ишларида 114 та сурадан иборат бўлган асл матнни 124 та сура ҳолига келтириб тўғрилашга уринган Кеттонлик Роберт ва унинг ёрдамчиларидан фарқли равишда таржимани сўзма-сўз қилишга ва ўзидан ҳеч нарса қўшмаслик мақсадида, сура ва унинг номларини сақлаб қолдирди. Марк Толедский ўз асарига ёзган катта кириш қисмида ўзидан аввалги таржималар ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтмай кетади. Бунга эса, унинг Кеттонлик Роберт ва Херман Далматиский ишларини маъқулламаслиги сабаб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Кейинроқ ушбу таржимани Роберт Хамфрий Придо (1648-1700 й.) шундай баҳолайди: “Бу ахир асл манбанинг бемаъни талқинику ... унинг мазмуни шу қадар ноаниқки бирор киши таржиманинг асл манбаида нима ҳақида гапирилганини тушуниши даргумон”¹².

XII асрда ёзилган асар 1543 йили Базел шаҳридаги машҳур Опорина матбаъсида нашр қилинди. Асарни ёзилганига тўрт юз йил бўлишига қарамай ҳануз аҳамиятини йўқотмаган эди. Мазкур нашр олимлар даврасида латин тилида Библиандр номи билан машҳур Цюрихлик илоҳиётшунос Теодор Бухман томонидан қайта таҳрир қилинди. Асар «Сарацинлар ҳокими Муҳаммаднинг тўлиқ ҳаёти ва таълимотининг баёни, унинг қатъий буюрган қонунлари ва Қуръон» сарлавҳаси остида тайёрланган бўлиб, унинг таркибида Библиандрнинг «Апология», Лютеровскийнинг «Praemontio» асари ва яна бир қатор матнлар, хусусан Рикольда да Монтекроче ҳамда Николай Кузанцкийнинг қатор асарлари ўрин олган. Охир оқибат яратилган барча асарлар жамланиб «Муҳаммадийларга қарши асарлар жамланмаси» фолиант сифатида 1543-1550 йиллари нашр қилинди¹³.

Илк латин тилидаги таржималарнинг барчаси моҳиятан матнни бошқа маънода талқин қилиш билан биргаликда асосий мақсад мусулмонларга тегишли бўлган муқаддас китобнинг асоссиз эканига эътироз билдиришдан иборат эди. Айни шу сабаб христианларнинг раддиялари кўпинча хатоларни

¹² Резван Е.А. Коран и его мир.- Санкт-Петербург: С.-Петербургское востоковедение, 2001. – С. 354.

¹³ Франко Кардини. Европа и ислам история непонимания. Санкт-Петербург: Alexandria, 2007. – С. 229

келтириб чиқарган. Христиан муаллифлари Қуръонга нисбатан нохолисона баҳо бериб «иблисона қонунлар», «зулм китоби» атамаларидан мусулмонларга қарши бўлган мунозараларда кўп бора ишлатишларига қарамасдан мусулмон олимлари бунинг акси ўлароқ мунозара мақсадида христианларнинг муқаддас китобини тадқиқ этишга тарғиб этганларини тарихда гувоҳи бўлиш мумкин.

Қуръоннинг Европа тилларидаги таржималари илк босқичи ҳақида А.Е.Крымский шундай дейди: “Бахтга қарши Рим папаси уларнинг барчасини бир нусха ҳам қолдирмай ёқиб ташлади, ҳаттоки улар нашр қилинган йиллари ҳам номаълумлигича қолди. Маълум ҳақиқат эса уларнинг Венецияда таржима қилингани халос”¹⁴.

Умуман, ғарбий Европада 1311-1312 йиллари исломшуносликка асос солиниши Европада исломшунослик илмий фаолиятини бошлаган кўплаб олимларнинг етишиб чиқишига туртки бўлди. Бу ҳақда Али ан-Намла «Зоҳира ал-истишроқ» китобида таъкидлаб ўтади. Эҳтимол, шу сабабли “шарқшунослик” дейилганда одатий тушунчага кўра мусулмон бўлмаган шахсни шарқ халқларини дини, маданияти, қадрият ва анъаналарини ўрганиш деб тушунилади. Мусулмон олимлари эса, шарқшунослик ғарбда исломшуносликнинг вужудга келиши деган муносабат билдирадилар. Абдуллоҳ ан-Наъим ўзининг «ал-Истишроқ фи-с-сийра ан-набавия» китобида исломшунос тадқиқотчилар эътибор қаратган асосий омил диний-сиёсий мақсадлар эди, деб таъкидлаб ўтади. Улар ислом дунёсидаги мусулмон бўлмаган давлатларда сиёсий бошқарувни мустаҳкамлаш учун фаолият олиб боришди. Шунингдек, мусулмон жамоасидаги маданий алоқаларни заифлаштириб, диний саводи паст мусулмонлар орасида шубҳа ва гумонларни тарқатиш ишларини олиб боришди. Исламшунослик тадқиқотлари натижалари империалистик сиёсатга таъсир кўрсатиш билан

¹⁴ К. Королевнинг умумий таҳрири остидаги муаллифлар жамоаси. Ислам классический: энциклопедия. – М.: «Эксмо»сбп«Мидград», 2005. – С. 47.

бир қаторда миссионерлик кайфиятидаги диний гуруҳ фаолиятини бошлади. Бир неча исломшуносларнинг асарлари, хусусан, совет иттифоқидаги ёзилган асарлар бир тарафлама ҳатто ноилмий асарлар борлигига гувоҳ бўлиш мумкин¹⁵. Шунга қарамай улар орасида шундай тадқиқотлар ҳам мавжудки улар илмий услубиятга жавоб беради ҳамда ўзида катта қизиқишга сабаб бўладиган чуқур тадқиқотларни ҳам тақдим этади.

1453 йили Константинополнинг қўлдан бой берилиши ва тез суръатларда турклар ҳужумининг хавфи қўшни маданиятга қизиқишни оширди ҳамда ренессанснинг ғолибона ғоясига юзма-юз қилиб қўйди. Ушбу мағлубият эндиликда қаршиларида саҳровий араблар ўрнига турклар позицияни эгаллаганлигидан далолат берар эди. Айнан ушбу алмашинув ҳамда Европанинг уйғониш даври остонасида экани Қуръонга бўлган ёндашувни бир мунча ўзгаришига сабаб бўлди. Ушбу даврга келиб Қуръон Европанинг қатор тилларига таржима қилина бошланади. Бироқ бу билан қарши тарафнинг ғоявий курашларига барҳам берилгани йўқ. Ҳар иккала тараф ўзлари олға сураётган фикрларида собит қолиш билан биргаликда, кўплаб китобларни нашр қила бошладилар. Ушбу давр ғарбий Европада Қуръонни ўрганиш тарихининг яна бир босқичи эшикларини очиб берди.

Қуръоннинг таржимаси ва уни ўрганишга бўлган қизиқиш бир-бири билан бақамти экани, уни ўз ичига олган билимларни юзага келтирди. Бироқ, сир эмаски ушбу қизиқиш раддия бериш ва душманлик руҳидаги умумий эътибор эди, ҳалос. Ғарбий Европанинг қуръоншунослари бир жихатдан христианлик ақидаларини ҳимоя қилсалар, иккинчи жихатдан пайғамбар Муҳаммад(с.а.в.) ва унга берилган китобга қарши раддиялар берар эдилар. Худди шу турдаги китоблардан бири роҳиб Рикалдо да Монте Крос томонидан ёзилган эди. У XIII аср охирларида ҳаётининг бир мунча қисмини шарқ ўлкаларида миссионерлик билан ўтказиб, айти шу вақтдан фойдаланган ҳолда мусулмон олимлари билан баҳс-мунозара ишларини олиб боради.

¹⁵ Резван Е.А. Коран и его мир. – С.-Петербург: С.-Петербургское востоковедение, 2001. – С. 359-360.

Китоб (Қуръон)да зикр этилган воқеъларга тегишли бирор тарихий узвийлик йўқлигида ва номуфқликда айблайди. Китоб кенг омма эътиборига тақдим этилиб XVI аср бошларига қадар бир неча маротаба чоп этилади. Мазкур китобни Мартин Лютер немис тилига таржима қилдиради¹⁶. Николай Кузанский (1401-1464 й.) Қуръоннинг Инжилдаги ҳақиқатларини кашф қилиш учун ўқиб ўрганишни тавсия қилди. Унинг дўсти франциялик пацифист Хуан де Сеговия (1400-1458 й.) 1440 йили Рим папасига қарши ҳаракат етакчиси этиб сайланади ва исломни бузиб кўрсатишни, хусусан бир қатор Қуръон таржималари орасида Кеттонлик Роберт томонидан амалга оширилган таржималарни қоралайди. 1455 йили Савоядаги Айтон ибодатхонасида Йас бин Жабир бир неча фақиҳлар кўмагида Қуръонни лотин ва кастилия тилларига таржима қилиш ишларини бошлайди. Шу билан биргаликда уларнинг зиммаларига Қуръондан христианлар қабул қила оладиган матнларни ажратиб олиш топшириғи қўйилади. Бу эса христианликда Ислом таълимоти ўртасидаги муносабатларнинг юмшашидан дарак берар эди.

Унинг келгуси таржимаси Испанияда 1518 йили кардинал Эдижо да Витербо буюртмасига биноан Пиконинг қарашлари мухлисларидан бири бўлган Иохан Габриэл Терроленсис томонидан амалга оширилади. Милан шаҳрида мазкур таржиманинг нашр қилинмаган биргина қўлёзмаси сақланиб қолган. Агарда ушбу таржимани деярли эътиборсиз қолганини ҳисобга олсак, Кеттонлик Роберт ва Херман Далматискийнинг таржималарига омад кулиб боққан, дея айтишимиз мумкин. Мазкур таржиманинг кейинги тарихи Европани XV-XVII асрларда қамраб олган улкан сиёсий-мафкуравий ва маданий ҳаракатлар билан билан узвий боғланиб кетади. Бу ишга кўплаб христиан файласуфлари, илоҳиётшунослари ҳамда мунозарачилари киришадилар.

¹⁶ Резван Е.А. Коран и его мир. С.-Петербург: С.-Петербургское востоковедение, 2001. – С. 360-361.

Ж.Скалигер (1540-1609 й.), Т.Эрпениус (1540-1624 й.), А.Релан (1676-1718 й.) каби илғор шарқшунослар ҳам 600 йилдан бери фойдаланиб келинган таржималар очик-ойдин мақсадга мувофиқ келмаслигига эътиборларини қаратганлар.

XV-XVII асрлар ислохотлар даври бўлиши билан бир қаторда европаликлар ва Усманийлар империяси билан қонли курашлар даври ҳам ҳисобланади. Вена шаҳри қамали европаликларни 1453 йилдаги Константинополни ишғол қилинган вақтдагидек у қадар ларзага солмади. Эндиликда араблар ўрнини турклар келиб эгаллаган эди. Бинобарин, Европада ислом қиёфасини ўша вақтда турклар гавдалантириб турар эдики, хаттоки унда Қуръон «Туркларнинг муқаддас китоби» (Die turksche Bible) номи билан аталган китоб ёзилади. Мазкур таржимани Давид Фридрих Мегерлин 1776 йили немис тилига араб тилидан бевосита таржима қилади¹⁷. Айни ушбу муҳитда, Погонини Бриксенсис ширкати Европада тижорат мақсадида дастлабки араб ёзувидаги Қуръонни Венецияда 1530 йили нашр қилади. Лекин унда кўпсонли хатолар мавжуд эди. Натижада бу нашр муваффақиятсиз бўлди. Ушбу даврда ислом ва унинг таълимотига қарши қаратилган ташаббус ва мунозаралар кураши протестант илоҳиётчилари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий масалалари ёзиладиган публицистикасига ўтади. Ислом ва Усманий турклар ҳақидаги диний-маданий бағрикенглик билан характерланган ўзига хос энциклопедия 1543 йили Базел шаҳрида нашр этилди. Унинг публикацияси шахсан Мартин Лютернинг аралашуви билан амалга оширилади. Китобнинг иловасида папа Пия II (1458-1464 й.) нинг Усманий турклар султони Мехмед II га христианликни қабул қилишга чақирган эпистоли ҳамда Лютер ва унинг сафдоши Флипп Меланхтонга мурожатлари ўрин олган.

Бухманни ўз асарида кескин баҳс-мунозара юритишига қарамай, у исломни буюк иш ҳисобланмиш якка худоликни мушриклар орасида кенг

¹⁷ Франко Кардини. Европа и ислам история непонимания. Санкт-Петербург: Alexandria, 2007. – С. 230-231.

тарқатганини эътироф қилади. Унинг қарашлари ўзидан қолдирган ягона кўлёзма асарда барча христиан, яхудий ва мусулмонларга «барчамизнинг улуғ тангримиз номи ила» салом ва тинчлик тилакларини акс эттирганлиги билан ўзига хос жиҳатлари намоён бўлади. Ушбу даврга келиб бу турдаги қарашлар етарлича ёйилганлиги маълум. Агар Лютер исломни яхудийликнинг бир шакли деб фикр юритган бўлса, Роттердамлик Эразм (1469-1536 й.) ва Гиом Постел (1510-1581 й.) мусулмонларни ярим христиан сифатида тан оларди.

Шунингдек Қуръоннинг мусулмон-испан (алхамидо) тилига ўтирилган, XV асрга тааллуқли таржимаси парчалари, араб имлосидаги XV-XVII асрларда татарлар амалга оширган белорус-поляк тилидаги таржималари сақланиб қолган¹⁸.

Шарқ тилларидаги матнларни чоп этиш тез суръатларда юз бергани йўқ. Ислом ҳақида ёзилган китобларнинг деярли барчаси ёмон аҳволда эди. Мазкур китоблар гоҳида ислом ҳақида нотўғри тасаввурни уйғотса, гоҳида ҳақоратларга тўлалиги билан ажралиб туради. XV-XVI асрга келиб бундай турдаги ёндашув ўзгарди. Ушбу даврга қадар мусулмонлар христиан динини христианлардан фарқли ўлароқ кўпроқ билишар эди¹⁹. Умуман олганда XVI асрга келиб ғарбда исломшуносликка оид қатор китоблар нашр этилди.

1554 йили Венеция инквизицияси Қуръон ўқишни таъқиқлаб қўяди. XVII асрнинг бошларида немис тилига италян тилидан С. Швейггером (1551-1622 й.) таржима қилган немисча ва голландча Қуръон нусхалари яширин ҳолда омма эътиборига ҳавола этилди. Сўнгги сафар икки мартаба 1659 ва 1664 йиллари қайта нашр этилган.

Кўплаб йиллар давомида Европанинг мафкуравий муҳити католицизм ва реформация ҳаракатлари ўртасидаги ички низоларни бошдан кечирди. Ҳар иккала тараф ўзини ҳақ эканлигини исботлашга уринар ва ҳар икки томон

¹⁸ Ислам в России: Взгляд из регионов / науч. ред. А. В. Малашенко. — М.: Аспект Пресс, 2007. — С 129.

¹⁹ Франко Кардини. Европа и ислам история непонимания. Санкт-Петербург: Alexandria, 2007. — С. 228.

тарафдорлари «папалик ва турклар»га қарши чиқар эдилар, ҳаттоки уларни «жодугарлик ва турклар» номи билан аташарди, бу билан айни вақтда исломни айблашар эди. 1521 йили 15 апрель куни Сарбона Лютернинг Касри ибодатхонасининг шимолий дарвозаларига илиб қўйилган 95 рукнини муҳокама қилиб, уни «Қуръондан ҳам иллатлироқ» деб номлашди. Протестант оппонентлари учун Муҳаммад ва Рим папаси «христианликка қарши икки бош» бўлсада бошқа томондан исломга қарши ташвиқот ишларида ҳар икки томон биргаликда ҳаракат қилардилар.

Табиийки, Қуръонни ўрганиш учун ташланган кейинги қадам XVII асрда рўй берди. 1647 йили Парижда Қуръоннинг француз тилидаги таржимаси дипломат ва шарқшунос олим Андреа дю Риє (1580-1669 й.) томонидан амалга оширилди. Мазкур таржима вужудга келган даврдаёқ илмий талабларга жавоб бермаган ва матн таржимаси жараёнида жумладаги сўзларнинг жойи ўзгартирилган ва қисқартмаларга йўл қўйилган, ҳамда матн таҳлили жиҳатидан эса унинг иши Библиандрнинг нашрига боғлиқлик томонлари кўп бўлган, шунга қарамасдан таржима ўзига нисбатан катта қизиқишни уйғота олди. Қисқа муддат ичида Дю Риєнинг иши Парижда ва Амстердамда беш маротаба қайта нашр қилинган бўлса, кейинроқ Англияда (1688 й.), Голландияда (1698 й.), бироз вақтдан сўнг Германияда ва ниҳоят Россияда (1716 й.) таржима ва чоп этиш ишлари йўлга қўйилди.

1698 йили руҳоний папа Иннокентий XI Людовик Мараччи (1612-1700 й.) омма эътиборига лотин тилига таржима қилинган ва Қуръоннинг бир неча араб қўлёзмаларига асосланган китобини тақдим этади. Таржима савиясини аввалгиларига тенглаштириб бўлмас эди бироқ, унинг шакли кенг тарзда ёйилишига тўсқинлик қилар эди. Ана шундай савиядаги таржима тасодифан айнан Италияда пайдо бўлиб қолмади. Зероки, ушбу юрт узоқ йиллар давомида мусулмон шарқи билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни яхши йўлга қўйган эди. Бу ерда амалдаги мафкура таъқиқлаб қўйган, лекин илмий кадриятларга тўла-тўқис жавоб берадиган бой кутубхона мавжуд эди. Немис протестанти Кристиан Рейнесиус (1668-1752 й.) шундай фикр

билдиради: “Мараччи амалга оширган таржимаси туфайли дунё юзини кўрган қулай нашр ва унга бағишланган муваффақиятли кириш сўзи ташаббусни протестант олимлар томонига ўтказди. Мараччининг асари Қуръонни Европа тилларига таржима қилишнинг янги босқичи бўлиб саналди”²⁰.

Англияда маърифатпарварлик ҳаракатларининг бўлажак ташаббускори бўлмиш Ж.Сэйл (1697-1736 й.) томонидан ал-Байзовий, ас-Суютий, аз-Замахшарий ва бошқа бир қатор муфассирларнинг тафсирларига асосланган Қуръон таржимаси омма эътиборига ҳавола этилади. Мазкур таржима ва унга нисбатан бўлган дастлабки мулоҳаза Европада Қуръонни тушуниш ва ўрганиш савиясини белгилаб берди. У немис тилига (1746 й.), француз тилига (1770 й.), рус тилига (1792 й.) таржима қилинди.

Исломни Усманийлар империяси билан тенглаштириш фикри четга сура бошланди. Европалик муаллифларнинг асарларидаги баҳс-мунозара ўринларида ислом ҳақидаги шахсий-илмий тадқиқотларда кўпинча ёнбосиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Исломга бўлган қизиқиш «Турклар нуқтайи назари» ёки «Форслар низоми» каби танқидий асарларида ўзига хос тарзда акс эта бошлади. Ўша даврда расмий католик йўналишига қарши қаратилган апологетик руҳдаги исломий асарларни оммалаштириш авж ола бошлади. Айни ана шу вақтдан бошлаб деизм диний-фалсафий оқими тарафдорлари назарида ислом энг рационал дин сифатида эътироф қилина бошланди. Католик йўналиши эса бунинг акси ўлароқ ўз ишларида исломни танқид қилиш услубидан воз кечмади. Қуръонни гўё Европа қаршисида турган кўрқув сифатида ўрганиш туфайли вужудга келган таржималар эндиликда инкор қилинди. 1793 йили К.Саворий (1750-1788 й.) Қуръоннинг «романтик рух»даги таржимасини амалга оширди. Романтизм тарафдорлари энциклопедик руҳдаги ёндашувдан йироқ бўлишга, қадимийлик, инжил тарихи ва шарққа уюштирилган салиб юришларига мурожат қилишга

²⁰ Резван Е.А. Коран и его мир. С.-Петербург: С.- Петербургское востоковедение, 2001. – С. 363-364.

урунишган. Мана шу янги тенденция маслагида Ф.Р.Шатобриананинг мусулмон дунёсига нисбатан душманона муносабатда ёзилган «Париждан Қуддусгача саёҳат» асари ёзилди. Зероки, бу ишларнинг бари француз ғоявий ислохотлари билан алоқадор бўлган сиёсий бир режа эди. Вужудга келган мустамлакачилик ғоялари европацентризм тенденциясини қувватловчи шарқшунослик билан бақамти равишда олиб борилар эди. А.Б.Казмирский (1808-1887 й.) томонидан амалга оширилган Қуръоннинг француз тилидаги таржимаси айнан Франциянинг Жазоирни босиб олиш арафасида пайдо бўлди. Мазкур таржима француз арабшуносларининг мисли кўрилмаган асарларидан бирига айланиб қолди. Э.Уэрри (1882-1886)нинг тўрт жилддан иборат машҳур Қуръон таржимаси Британия қироллигининг мустамлакачилик қизиқишига сабаб бўлган, ҳинд анъаналари акс эттирилган энг муҳим манба ролини ўйнади. Айни шундай таржималар сафига Д.Н.Богуславек ва Г.С.Саблуковларнинг русча таржималарини қўшишимиз мумкин.

Чиндан ҳам, XIX асрга келиб европаликлар учун, шарқда оддий бўлмаган янги дунё билан танишиш учун кенг имконият эшиклари очилди. Уларнинг мусулмонлар диёри ҳаёти ҳақида, уларнинг маданияти ва динлари ҳақидаги дунёқарашлари мисли кўрилмаган тез суръатларда кенгайиб кетди. Мусулмон дунёсига бўлган қизиқиш эндиликда Европани амалий жиҳатдан устун бўлишига ундар эди. Эндиликда исломшунослик – бу мустамлакачилик курашлари тарихига узвий боғланган мустақил илмий соҳага айланди.

Қуръонга муқаддас китоб сифатида қараш, уни қиёслаш, аслида Қуръонни ўрганишдаги ягона мақсад бўлиб қолмай, балки сиёсий, диний ва бошқа турли мақсадларни ҳам кўзлар эди²¹.

Қуръонни ўрганишдаги холис ва илмий ёндашув нисбатан кечроқ, яъни Европада «Гуманизм» фалсафий оқими вужудга келиши билан пайдо бўлди.

²¹ Резван Е.А. Коран и его мир. С.-Петербург: С.-Петербургское востоковедение, 2001. – С. 367.

Аслини олганда бу турдаги ёндашув ғарбда черков давлатдан ажратилгандан сўнг вужудга келди дейиш мумкин. Аввалда муқаддас саналган «Таврот» ва «Инжил» китоблари эндиликда танқидий тадқиқот предметига айланди. Мазкур китобларга қаратилган ёндашув услуби Европа олимларини Қуръонни ўрганишлари учун намуна сифатида хизмат қилди²².

XIX аср бошларида машҳур грамматик, кўплаб дарсликлар муаллифи Сильвестр де Саси (1758-1838 й.) нинг саъй-ҳаракатлари туфайли исломшунослар таълим олган Париж шарқ тиллари мактаби Европада арабшунослик ва исломшунослик маркази сифатида сақланиб қолди. Ўша даврда Қуръонни тадқиқ этишдаги услубий ёндашув Германияда вужудга келган машҳур протестантлар инжил мактаби таъсири остида шаклланди. Агар илгари Қуръон «Аллоҳнинг каломи» деган ёндашув инкор қилинган бўлса, эндиликда уни ўрганишдаги услуб ўзгартирилиб «янги аҳд» ва «қадимги аҳд» матнларига мос келадиган ўринлари қабул қилина бошланди. Бу эса икки томоннинг ўзига хос ютуғи сифатида эътироф этилди. Ўша вақтда қадимги аҳд маданий ғоялари таъсири остида Қуръон ён атрофдаги ўраб турган маданият ва адабиётдан ўзлаштирилган китоб сифатида қабул қилинди. Оммавий маданият оқимида вужудга келган А.Гейгер, К.Герокнинг ишлари, Г.Вайл, Нёльдеке, Х.Хирашвелд, Я.Барта ва кейинги Й.Хорович ва унинг шогирдларини амалга оширган тадқиқотлари занжири Қуръонни танқидий ўрганиш ва тадқиқ этишнинг янги босқични бошлаб берди. Ана шу сабаб Европада амалга оширилаётган диний-фалсафий тадқиқотлар исломнинг муқаддас китобини ўрганишга акс таъсир этишда давом этди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Германияда классик филология масала ва методларини вужудга келиши тилшунослик фанининг турли тармоқларига, қолаверса, немис тавротшунослигига катта тасир ўтказди. Шунингдек XIX аср Қуръонни тадқиқ этиш ишларида биринчилик Германиялик олимлар

²² Шумовский Т.А. Свет с Востока . С.-Петербург: Издательство С.-Петербургского Университета, 2006. –С. 290.

қўлига ўтди. Густав Флюгель 1834 йили дастлаб Қуръон матнини таржима қилади ва 1842 йили «Сихоҳи тисъа»нинг мавзувий таҳлилини амалга оширди. Асар нашри Г.Флюгельнинг ишини давом этирган Г.Редслоб таҳрири остида 1837, 1855, 1867 йиллари чоп этилади. Германияда дунёни ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар, тажовузкор мустамлака сиёсати ҳамда «ислом харитаси»ни ютиб олишга уринаётган, амалий ва академик йўналишдаги шарқшунослик фаол ривожлантирилди. Бу ерда Қуръонни ўрганишга катта ҳисса қўшган шахс Нёльдеке ва унинг атоқли шогирдларидан ташкил топган жамоа фаолият олиб борар эди.

XIX асрда амалга оширилган Қуръоннинг кўп сонли таржималари ва босқичма-босқич амалга оширилган тадқиқотлари Европа фани ва фалсафаси ғоясининг ажралмас бўлагига айланди.

1927 йили Г.Бергштрессер ва А.Жеферилар биргаликда Қуръоннинг танқидий матни режасини ишлаб чиқдилар. Негаки нашр Г.Флюгель томонидан амалга оширилиб, унда барча мураккаб матнга тегишли масалалар очиб берилган эди. Г.Бергштрессер ва А.Жефрерлар биргаликда Қуръонни танқидий матни режасини тузадилар, у турли-туман Қуръонга тегишли манбалар, мусулмон муаллифларининг нашр қилинган асарлари ва топилмаларидан Қуръоннинг қироатига бағишланган қисми таҳлилини ўз ичига олади. Мақсад Миср нашрининг асоси бўлиб хизмат қилган Ҳафс қироати асосидаги матнни тадқиқ этишни кўзланган бўлсада, бироқ оммага сажъ усулини ўзига хослигини очиб берган асар бўлиб танилди. Ундаги Қуръон оятларининг рақамланиши мусулмон анаъналарига ва Г.Флюгелнинг асарига мувофиқ равишда амалга оширилди. Нёльдеке, Ф.Швалли, Г.Бергштрессер, О.Претцллардан иборат олимлар томонидан кириш қисми сифатида «Қуръон тарихи» номли алоҳида асар ёзилди. Асарнинг учинчи жилди кенгайтирилган шарҳнинг танқидий мулоҳазаларини ўз ичига олди. Лойиҳа муаллифлари ҳисобдаги барча мавжуд вариантларни тушуниб етиб бўлмаслигини тан олишди. Тўртинчи жилд Қуръонга оид сўзлардан ташкил

топиши керак эди. Мазкур жилднинг каттагина қисми тайёр ҳолга келишига қарамай бир қатор сабаблар туфайли якунига етмай қолди.

1.2. Теодор Нёльдекенинг «Қуръон тарихи» асарининг манбашунослик таҳлили

Теодор Нёльдекенинг ҳаёти ва ижоди. «Ғарб танқидий қуръоншунослигининг отаси» сифатида тан олинган Теодор Нёльдеке 1836 йили 25 декабрда Ҳарбург шаҳрида таваллуд топди. У Гёттинген, Вена, Лейден ва Берлин шаҳарларида таҳсил олади. 1859 йили унинг «Қуръон тарихи» асари Франциянинг ёзма ва бадий адабиётлар академиясида совриндор бўлади. Келгуси йили асар немис тилида ёзилиб, Геттинген шаҳрида нашр этилади. Мазкур нашр кейинчалик ғарбда амалга оширилган қуръоншуносликка оид тадқиқот ишларида таянч манба вазифасини ўтай бошлади. 1861 йили у мазкур шаҳар унверситетида маъруза ўқишни бошлайди. Уч йил ўтиб шу олийгоҳда профессорга айланади. 1868 йили у Кил шаҳрида профессор этиб тайинланади. 1872 йилга келиб эса Страсбург шарқ тиллари кафедрасида то 1906 йилги истеъфосига қадар фаолият олиб боради. 1885 йили у Россия фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб тайинланган бўлса, 1927 йилга келиб мазкур академиянинг фахрий аъзолари сафидан ўрин олди²³.

Теодор Нёльдеке олиб борган тадқиқотлар йўналиши кенг кўламли ва турли-туман бўлишига қарамай, ўз тадқиқотларида асосий эътиборни икки жабҳага яъни, сомийшунослик ҳамда, ислом тарихига ва маданиятига қаратади. Унинг кўплаб ишлари (мисол учун «Grammatik der neusyrischen Sprache» (1868 й.), «Mandaische Grammatik» (1874 й.), «Tarix ut-Tabariy» арабчадан қилинган таржимаси (1881-1882 й.)) мутахассислар учун мўлжалланган бўлсада, аксар китоблари кенг китобхонлар оммаси орасида кизиқишни уйғотди. Нёльдекенинг бир қанча тадқиқотлари Қуръонни

²³ dic.academic.ru/dic.nsf/bse/166994/Нёльдеке.

вужудга келиш тарихи билан боғлиқ бўлган. Бир қанча эсселари Британия комусидан ўрин олган бўлса, яна бир неча Куръон ҳақидаги мақолалари «Шарқ очерклари»да чоп этилган. Форслар мамлакати ҳақида ёзилган мақолалар тўплами бўлган «Aufsätze zur Geschichte persischen» асари кенг кўламда 1887 йили Лейпциг шаҳрида нашр қилинди. Шунингдек, у Эроннинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи, сомий тиллари тарихи ҳамда шарқнинг машҳур асарларидан бўлган «Шоҳнома», «Калила ва Димна» ва «Минг бир кеча» асарларини таржима қилади²⁴.

Унинг кенг кўламли илмий фаолиятини қуйидаги асарлар рўйхати орқали ҳам кўриш мумкин:

1. Das Leben Mohammeds (1863 й.)(Муҳаммаднинг ҳаёти)
2. Beiträge zur Kenntnis der Poesie der alten Araber (1864 й.) (Қадимги араб шеърляти ҳақидаги мақола)
3. Die alttestamentliche Literatur (1868 й.)(Қадимги аҳдга оид адабиёт)
4. Untersuchungen zur Kritik des Alten Testaments (1869 й.) (Қадимги аҳднинг танқидий тадқиқоти)
5. Die Skizzen von der Östlichen Geschichte(1877 й.) (Шарқ тарихидан чизгилар)
6. Reste Arabischen Heidentums (1887 й.) (Араб тилидаги бутпараслик излари)
7. Orientalische Skizzen, (1892 й.) (Шарқ асарлари)
8. Zur Grammatik des klassischen Arabisch (1896 й.) (Мумтоз араб тили грамматикаси)
9. Fünf Mo'allaqat, übersetzt und erklärt (1899–1901 й.) (Беш муъаллақот таржимаси ва баёни)
10. Articles in the Encyclopaedia Biblica (1903 й.) (Библия энциклопедиясидаги мақолалар)

²⁴ http://www.gumer.info/bogoslov_Buks/Relig/klass/11.php Луғат тузувчилар: М.О.Васильева, А.Н. Красников, Е.С.Эл-бакян.

11. Beiträge zur semitischen Sprachwissenschaft (1904 й.) (Сомий тилшунослигидаги бадал)
12. Compendious Syriac Grammar (1880, 1888, 1904 й.) (суриёний тилининг қисқача грамматикаси)
13. Geschichte der Perser und Araber zur Zeit der Sasaniden. Aus der arabischen Chronik des Tabari übersetzt (1879 й.) (Сосонийлар давридаги форс ва араблар тарихи. Табарийнинг араб тарихи хронологияси юзасидан ёзган асари таржимаси)
14. Das Iranische Nationalepos (1920 й.) (Эрон халқ достонлари)²⁵

Юқоридаги маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, Нёльдеке ўз илмий фаолиятини бошлаган давр ғарбий Европада ислом таълимоти хусусан, Қуръонга нисбатан қарашлар бир мунча ўзгариб, янги босқичга кўтарилган эди. Бинобарин, Қуръонни янгича нуқтаи назар асосида илмий-танқидий услубнинг яратилиши бир неча омиллар таъсири остида ўша давр талабига айланиб улгурган эди. Айни ана шу сабаблар туфайли 1859 йили Франциянинг ёзма ва бадий адабиётлар академияси «Қуръоннинг энг яхши танқидий асари» танловини эълон қилди. Мазкур танлов совринини эса Нёльдекенинг лотин тилида ёзилган «Қуръон тарихи» номли асари қўлга киритди. Асарнинг дастлабки нашри 1870 йили Германияда амалга оширилди²⁶. Олим мазкур асарнинг кириш қисмида Қуръон ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: “Қуръон исломнинг асосий манбаси ҳисобланади. Бу китобни миллиондан зиёд кишиларнинг (улардан баъзиларининг асл маданияти унутилмаган бўлишига қарамай) барчаси бевосита тангрининг сўзи сифатида баҳолашади. Шу нуқтаи назардан ислом жамиятининг диний эътиқоди билан бевосита боғлиқ бўлган Қуръондан истифода қилиниши аксарият христиан ўлкаларидаги Библияни ўқилишидан кўра кенгроқ тус

²⁵ <http://www.surbor.su> : Литературная энциклопедия

²⁶ Нёльдеке Т. Гешихте дес Коран. Лейпциг: Детрише Верлагсбухандлунг, 1926. – Б. 7. Theodor Nöldeke. Geschichte des Qorans. Leipzig: Dieterich'sche Verlagsbuchhandlung, 1938. –Р. 7.

олган. Айни ана шу сабабли мазкур китоб мавжуд асарлар орасидаги энг кўп ўқиладиган ёдгорлик сифатида таърифланади. Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ эътиборимизни мазкур ёдгорликка қаратишимизни талаб этади. Айтиш мумкинки, мазкур манба Муҳаммад (с.а.в.) ва барча пайғамбар ва диний шахсларнинг руҳий юксалишига сабаб бўлган ваҳий уйғунлигини ўзида акс эттиради. Мусулмонлар эътиқодига кўра, Қуръон парвардигорнинг сўзи ҳамда мазкур китобда илгари сурилганидек унинг талабидир. Ушбу китоб Европаликлар томонидан ўқиб, ўрганилиши жараёнида бетартиб қоришув асосида вужудга келгандек таассурот уйғотади. Мазкур турдаги кўп сонли таассуротни фақатгина арабларга тегишли қадриятлар асосида ёритилган танқидий таҳлил ўзгартира олади»²⁷.

Қуръон матнлари адабий ҳамда тарихий манба сифатида тадқиқ этилган, ислом манбалари ва замонавий қуръоншунослик жамланмаси ҳисобланган асарнинг иккинчи жузъи 1919, 1926, 1938 йиллари Лепциг шаҳрида уч марта қайта нашрдан чиқди. 2000 йили мазкур асарнинг Жорж Таймер томонидан араб тилига қилинган таржимаси “Жорж Алмаз” нашриёти томонидан чоп этилди. Нёльдеке ва унинг шогирдлари томонидан ёзилган асар ўз ичига учта катта қисмни қамраб олади. Дастлабки қисм «Қуръоннинг аслияти» деб номланган бўлиб, у икки банддан ташкил топган. Биринчи бандда Муҳаммаднинг пайғамбарлиги ва ваҳий масаласи кўриб чиқилади. Ушбу банд ҳам ўз навбатида иккига бўлинган бўлиб, улар қуйидагича кўринишда:

А) Пайғамбар Муҳаммад. Таълимоти манбалари.

Б) Муҳаммад қабул қилиб олган ваҳий масаласи ҳақида.

Иккинчи бандда Қуръоннинг алоҳида тартибдаги қисмлари ҳақида маълумотлар таҳлил қилинган бўлиб, унда қуйидаги масалалар ёритилади:

²⁷ www.archive.org/ THE QUR'AN An Introduction by Theodor Nöldeke

А) Ҳозирдаги Қуръоннинг қисмлари (Маккий ва Маданий сураларнинг хронологик таҳлили).

Б) Муҳаммадга ваҳий қилинган суралардан Қуръоннинг таркибига кирмаганлари.

Иккинчи қисм “Қуръоннинг жамланиши” деб номланган бўлиб, муқаддима ва саккиз банддан иборат. Улар қуйидаги тартибда келтирилган:

А) Муҳаммад тириклик давридаги ваҳийнинг Қуръоний лавҳаларда қайд этилиб сақлаб қолиниши ва сура матнларининг ҳолати.

Б) Қуръонни жамловчилар ёки ваҳийни ёдда сақловчилар (дастлабки халифалар давридаги халқнинг Қуръонга оид савияси масаласи).

В) Мажмуалар ва ёзилган нусхалар (Қуръонни тўплаш эътиборига кўра).

Г) Зайд ибн Собитнинг дастлабки тўплами (ҳукмрон ривоят, бошқа турли ривоятлар, ривоятлар танқиди, дастлабки мажмуъанинг шаклланиши ва таркиби).

Д) Усмон нусхасидан олдинги тарқалган бошқа нусха (Убай ибн Каъб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Мусо ал-Ашаърийларнинг нусхалари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва расмий нусха билан алоқадорлиги).

Е) Халифа Усмон даврида расмий Қуръон нусхасининг вужудга келиши. (Ҳукмрон ривоят, бошқа турли ривоятлар ва уларни аҳамияти, ҳукмрон ривоят танқиди, ҳайъат аъзолари, Усмон мусхафидаги суралар тартиби, баъзи сураларда учрайдиган тушунарсиз ҳарфлар, басмала, ғарб христиан олимларининг айбловлари ва танқидлари, исломий фирқаларнинг айбловлари, хусусан шиъаларнинг Усмонга нисбатан қаршиликлари)

Ё) Қуръоннинг христиан ва яҳудийлар муқаддас китоблари билан алоқадорлиги (Муҳаммадга тааллуқли манбалар, асосий нақлнинг белгилари, пайғамбар сийрати, шариъатга дахлдор ҳадислар, Муҳаммаднинг издош саҳобаларининг сийрати, Қуръон тафсирининг ўзига хослиги, тафсир ёзувчилар, ибн Аббос ва унинг шогирдлари, бизгача етиб келган тафсирлар, Шиъалар тафсири, нозил бўлиш сабаблари, янги масихийлар, масихий пайғамбар сийрати).

Учинчи жузъ “Қуръон матни тарихи” деб номланиб муқаддима ва уч фаслдан ташкил топган. Мазкур фасллар қуйидагича номланган:

I фасл: Усмон ёзма мажмуаси:

1. Усмон матнининг хатолари.
2. Усмон нусхасининг шакллари.
3. Китобнинг аниқлик даражаси:
 - а) Манбалар;
 - б) Китобнинг аниқлик хусусиятларининг аҳамияти;
4. Усмондан бошқа шакллар ва қироатлар

II Фасл. Қироат:

1. Асосий масалалар.
2. Усмон нусхаси билан алоқадорлик.
3. Тилининг созлиги.
4. Қўплаб шахсларнинг принциплари
5. Қироатларни унификация қилиш
6. Қуръон ва қироатларни ўргатиш
7. Ривоятларнинг танқиди
8. Салафлар нуқтаи назари
9. Қорилар ва қироат
10. Етти классик қироат тизимининг ривожланиши

III Фасл: Қуръон қўлёзмалари:

1. Қўлёзмаларни тадқиқ этишнинг ҳозирги кундаги ҳолати
2. Қадимги мусхаф хатлари
3. Мусхафлардаги белгилар, жузълар ва сура сарлавҳаларининг қўйилиши
4. Қўлёзмалар тарихи ҳамда ёзилган жой номларини белгилаш
5. Янги Қуръон нусхаси

Илова ва мундарижа.

Асарда нафақат ғарб балки шарқ олимларининг асарларидан кенг фойдаланилган. Хусусан, араб тилида ёзилган юзга яқин асарлардан иқтибослар келтирилади. Фойдаланилган қўлёзмаларнинг аксарияти Берлин,

Истанбул, Дамашқ шаҳри кўлёмалари фондида тегишлидир. Жумладан асарда қуйидаги тарихий-диний асарлардан кенг истифода қилинади:

1. Ибн аби Довуд ас-Сижистоний “Китоб ул-масоҳиф” (Дамашқ уз-Зохрия кўлёмаси №407)
2. Ибн Жазарий - Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Исбаҳоний “Китоб ун-Нашр фий қироат ил-Аъшр” (икки қисмдан иборат, Берлин кўлёмаси №657)
3. Ибн Халдун - “ал-Муқаддима” (Байрутда 1886-йили нашр қилинган)
4. Ибн Жунай - “ал-Муҳтасиб” (Қўстантиния Ражаб Пошо №13)
5. Ибн Халликон - “Вафаят ул-Аъйан ва анбау абна уз-Заман”
6. Ибн Хазм Абу Абдуллоҳ Муҳаммад - “ал-Милал ван Ниҳал”
7. Ибн Асокир - “ат-Тарих ал-Кабир”
8. Абу Хаён ал-Андалусий “ал-Баҳр ал-Муҳит”
9. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳазм “Фазоил ал-Қуръон” (Берлин кўлёмаси №451)
10. Ибн Ҳишом “ас-Сийра” (1860-йили Гутенген шаҳрида ”Das Leben Muhammeds“ номи остида немис тилига таржима қилинган)
11. Абу Лайс ас-Самарқандий - “Тафсир”
12. Абу Муҳаммад ал-Хусайн ал-Фарро ал-Бағавий - “Маъолим ат-Танзил”
13. ал-Байзовий - “Тафсир ал-Қуръон”
14. Абу Бакр Ахмад ибн Али ар-Розий ал-Жассос “Аҳком ал-Қуръон”
15. аз-Заҳабий “Тарих ал-ислам” (Париж кўлёмаси)
16. ас-Суютий - “ал-Итқон фий улум ал-Қуръон”.
17. Ибн Атия - “Мабаний”.

Шу билан биргаликда олти ишончли ҳадис тўпламларидан ҳам фойдаланилган. Умуман, Т.Нёльдеке ўз тадқиқот иши юзасидан Суютий ва Табарий сингари кўплаб мусулмон олимларининг асарларидан унумли фойдаланди. Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, унинг тадқиқотларидаги таҳминларга асосланган фикрларини инобатга олмасак, мусулмонлар

томонидан нақл қилинган ривоятларни яхши таҳлил қилганини кўриш мумкин²⁸.

Айтиш мумкинки, фойдаланилган асарларнинг катта қисмини Ғарб тадқиқотчиларининг китоблари ташкил этади²⁹. Жумладан қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. Ahkwardt .W. “The devans of six ancient Arabic poets”- London 1870 й.;
2. Bergsträsser.G. “Vernenungs und Fragepartikln und Verwandtes im Korän” 1914 .;
3. Burton “Pligrimage to El-Medinah and Meccah” London 1856 й.;
4. Carlyle.T. “On heroes,heroworship and the heroic in history” London 1840 й.;
5. Conybeare.F.C. “Rendel Haris and Holland” 1864-йили Лепцихда немис тилига таржима қилинган.
6. Flügel.G. “Ausgabe des Qoräns” Лепцих 1858 й.;
7. Gagner.J. “La vi de Mahomet” Amsterdam 1732(1802-1804-йиллари немис тилига таржима қилинган)
8. Geiger Abraham “Was hat Mohammed aus dem Judentum aufgenommen?” Bonn 1833 й.;
9. Marracci Lodovico “Prodromi ad referatationem Alcorani” Patavii 1698 й.;
10. Müller August “Der Islam im Morgen und Abedland” Berlin 1885 й.;
11. Splenger.Al. “Das Leben und die lehre des Muhammad” Berlin 1869 й.;
12. A.Sprenger “Life of Muhammad” Allahabad 1851 й.;
13. E.Renan “Mahomet et les origins del' Islamise” Paris 1851 й.;
14. H.Purgstall “Gemäldesall der Lebens eschreibungen Großer moslimischer Herrscher” Darmstadt 1887 й.;
15. R. Poyz “die Israeliten zu Mekka,aus dem Holländ” Leipzig 1887 й.;³⁰

²⁸<http://rudocs.exdat.com/docs/index-72740>.

²⁹Нёльдеке Т. Тарих ул-Қуръон./Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар.-Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1-жилд. – Б. 725-726.

³⁰[goliath.enext.com/.../Theodor-Nöldeke Father of Quran criticsh](http://goliath.enext.com/.../Theodor-Nöldeke%20Father%20of%20Quran%20criticsh).

Т.А.Шумовский ўзининг ”Свет с востока“ китобида Қуръонни тадқиқ этишининг илмий ёндашуви ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: “Илмий ёндашув нисбатан кечроқ юзага келди. Умуман олиб қараганда, ғарбда черковлар давлатдан тўлалигича ажралган даврдагина вужудга келди, деб айтиш мумкин. Илгари муқаддас саналган Библия матнлари танқидий тадқиқот предметига айланди. Библияга қаратилган бу турдаги ёндашув Европа олимларига Қуръонни ўрганишда намуна сифатида хизмат қилди. Мазкур соҳадаги энг муҳим тадқиқотлар бири Теодор Нёльдеке, Фридрих Швалли, Готхельф Бергштрессер, Отто Прецллар томонидан 1860-1938 йиллар оралиғида амалга оширган Қуръон тарихи бўйича монументаль нашрлар ҳисобланади³¹. Ҳақиқатдан ҳам, Нёльдеке ва унинг шогирдлари тадқиқ этган изланишлар Ғарб Қуръоншунослигининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Бир мунча кейин мазкур асар таъсири остида кўплаб Қуръон тарихига оид асарлар нашр қилинди. Қисқача тарзда қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Arthur.J. “The Koran interpreted”. London 1955 й.;
2. Arkoun Muhammad. “Lectures du Coran”. Paris 1982 й.;
3. Richard Bell. “Introduction to the Qurān”. Edingburgh 1953 й.;
4. Richard Bell. “The Qorān translated. With a critical rearrangement of the Surahs”. Edingburgh 1937-1939 й.;
5. Johann Fück. “Arabische Kultr und Islam im Mittelalter,Ausgewählte Schriften”. Weimar 1981й.;
6. Gätje Helmut. “Koran und koranexegese”. Zürich 1971 й.;
7. Fuat Sezgin. ”Geschichte des arabishen schriftums”. Leiden 1967;
8. John Wansbrough “Quranic studies.Sources and medthos of scriptural interpretation”. Oxford 1977 й.;
9. W.Montgomery. “Muhammads Mecca.History in the Quran”. Edinburgh 1988 й.;

³¹ Т.А.Шумовский. Свет с Востока.-С.-Петербург: издательство С.-Петербургского Университета, 2006. – С. 290.

10. Toshihico Izutsu. "God and man in the Koran. Semantics of the Koranic". Tokio 1964 й.³².

Айтиш мумкинки, Нёльдекенинг кўплаб асарлари мусулмон олимларининг ҳам эътиборини ўзига жалб этди. Бироқ аксарият олимлар унинг асарларида субъектив фикрларни устун қўйилганини таъкидлаб ўтадилар. Хусусан, Доктор Абдурахмон Бадавий унинг асарлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: "Қуръонни тадқиқ этиш бўйича амалга оширилган танқидий ёндашувларни татбиқ этишга қаратилган ҳаракатлар ғарб шарқшунослари томонидан жорий қилинди. Дастлабки танқидий тадқиқот мавзуси сифатида Қуръоннинг нозил бўлиш тартиби эди. Немис шарқшуноси Нёльдеке Қуръон матнларини хронологик жойлашуви юзасидан кенг миқёсда изланишлар олиб борди. Жумладан, у Маккада нозил бўлган сураларнинг матнларидаги оятларнинг услубига кўра уч босқичга бўлиб ўрганади. Бу бўлинишларда у ўзининг хулосаларигагина таянади. Шунингдек Муҳаммад (с.а.в)нинг пайғамбар эканлиги ҳақидаги маълумотларни ҳаёл, ҳамда ғавқулодда ҳиссий илҳомланишга берилиш деб баҳолайди. Мазкур фикрлар эса унинг асарларида кўплаб хато ҳамда беҳуда қарашлар мавжуд эканлигига далил бўлади³³".

Шунингдек машҳур шарқшунослардан бири Артур Жефри Ибн Абу Довуд ас-Сижистонийнинг «Ал-Масаҳиф» асари муқаддима қисмида шундай ёзади: "Олмон тадқиқотчиси Нёльдекенинг «Қуръон тарихи» асари илк наشري дунё юзини кўрганда ҳадисшунослар ва шарқ мусулмон олимлари унга қарши чиқиб, ноҳолис ва динга нисбатан адолатсизликда айбладилар³⁴".

Нёльдекенинг ўнлаб йиллар давомидаги илмий ижодини Қуръонни ўрганишга сафарбар этди. У турли-туманликка таҳдид сифатида эмас балки интеллектуал чорлов сифатида баҳо берди. У ўзининг "Қуръон тарихи"

32 www.archive.org/ THE QUR'AN An Introduction by Theodor Nöldeke

³³ Абдурахмон Бадавий. аш-Шубҳат ул-мазъума хавлал Қуръан. Дамашк: Дар ул-фикр, 1997. 1 ж. –Б. 11.

³⁴ Сайид Муҳаммад Бакир Хужжати. Исследование по истории корана. Перевод с фарси Тажиддин Мардони/Тегеран: Аль-Хода; 2007. –Б. 8.

асарида дин том маънода илм-фан предмети бўла олишини исботлади. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Нёльдеке ўзининг “Қуръон тарихи” асарида Қуръон нафақат диний манба, балки том маънода илмий объект бўла оладиган муҳим ёдгорлик эканини исботлади ва бу асар ғарбда амалга оширилган қатор қуръоншунослик тадқиқотларига намуна сифатида хизмат қилди. Айнан мана шу сабабларга кўра “Қуръон тарихи” асарининг танқидий ёндашув услуби замонавий Қуръоншунослик соҳасида ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган, шу билан биргаликда унинг илмий ижоди ғарб қуръоншунослигининг ривожига ўзига хос ўрин тутди.

II БОБ. ТЕОДОР НЁЛЬДЕКЕ АСАРЛАРИДА ҚУРЪОН МАТНИНИНГ ЖАМЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ТАЛҚИНИ

2.1. Ғарб қуръоншунослигида “вахий” тушунчасига муносабати

Тарих узра шу нарсага амин бўлиш мумкинки, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёти доимо тарихчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Нашр этилган кўплаб тадқиқотларда у аслида ким бўлган деган саволларга пайғамбар, ижодкор шахс, жамиятининг ижтимоий заруратларини алоҳида ҳис эта оладиган ва Аллоҳ томонидан ваҳий юбориладиган холис, ишончли шахс ёки ўз мақсадлари йўлида сохта ваҳий даъвосини тарғиб қила олган фирибгар сиёсатдон, деган турли хулосалар келтирилган. Жумладан, XIX аср охири ва XX аср бошларида фаолият олиб борган ғарб исломшунослари ва қуръоншуносларининг қуйидаги хулосаларини келтириш мумкин: Томас Карлайлнинг 1840 йили нашр этилган «The Hero as Prophet: Mahomet: Islam» асарида дунёдаги энг буюк динлардан бири бўлган ислом динига қаллоб асос солган, деб эътироф этади. Т.Карлайлдан кейинги кўплаб тадқиқотчилар унинг ғояларидан намуна олади ҳамда Муҳаммад (с.а.в.)нинг соғлиги ва ақл-идроки ҳақида мулоҳазалар билдира бошлайдилар. Хусусан, Густав Веиль уни эпилепсия билан оғриганлигини исботлашга ҳаракат қилган бўлса, Алойс Шпренгер эса, қўшимча равишда истерия ҳасталиги безовта қилганини тахмин қилади. Уильям Мюир Муҳаммад (с.а.в.)ни сохта пайғамбар эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради. У Муҳаммад (с.а.в.) Маккада яшаган даврида софдил ва олижаноб эди, Мадинага келиб катта шон-шуҳрат ва муваффақият уни йўлдан оздирди деган хулоса билдирди. Инглиз қуръоншуноси Д.С.Марголиус “ҳеч бир шубҳасиз, фақатгина ўз фикрига таянган ҳолда у инсонларни онгли равишда хато ва янглиш йўлга бошлади”, деб айтади. Т.Нёльдекенинг фикрича у назорат қилиб бўлмайдиган ички ҳиссий изтробни бошдан кечирган. Айнан мана шу изтироб уни илоҳий олам

билан боғланган эканига ишонтирган. Кейинги тадқиқотчилар эса, Муҳаммад (с.а.в) ўзининг фаолияти борасида мутлақо тўғри ва холис эди деган фикрни қўллаб қувватлашмоқда. Хусусан, Франц Буль унинг бошлаб берган ишини диний ҳаракатлардаги тарихий аҳамиятини алоҳида эътироф этади. Ричард Белл эса, унинг фаолиятини ғоят юқори баҳолаб уни пайғамбар сифатида баҳолади. Тор Андре Муҳаммаднинг ҳаётини психологик нуқтаи назардан таҳлил қилиб, унинг бошдан кечирган ҳаёти ҳақиқат деган фикрга келди. Шунингдек, у Муҳаммад (с.а.в)ни ўз даври ҳамда одамлари учун юборилган пайғамбар эканини эътироф этди³⁵.

Аксарият динларда тангри ва бандалар ўртасини илоҳий кўрсатмалар ҳамда ана шу кўрсатмаларни қабул қила олиш қобилиятига эга бўлган танланган шахслар ҳақида баъзида ўхшаш, баъзида эса бир-бирига зид ўзига хос тушунчалар мавжуд эканини кўриш мумкин. Хусусан, Иброҳим (а.с.)ни бир овоздан пайғамбар сифатида эътироф этадиган динларда бу тушунчалар бир-бирига яқин экани билан ажралиб туради. Мазкур диний таълимотлардаги ваҳий ҳамда у билан боғлиқ бўлган пайғамбарлик масаласи ҳамма вақт ушбу динларга эътиқод қилувчи шахсларнинг иймонини белгилаб берувчи бирламчи мезон сифатида муҳим аҳамият касб этган. Айнан шу сабабли мазкур тушунчалар шарқ ва ғарб олимларининг эътибор марказидан ўрин эгаллаган. Табиийки, ҳар иккала тараф мазкур масаларга ўзига хос тарзда ёндошганлар. Ёндашув ва тадқиқот натижаларининг ҳилма-ҳиллиги баҳс, мунозараларга сабаб бўлиш билан биргаликда чуқур изланишларга туртки бўлганлигини эслаб ўтиш жоиз. Аксарият ғарб тарихчиларининг ёндашувлари Муҳаммад (с.а.в.)нинг пайғамбарлик фаолиятини икки жиҳатдан ёритиб беради: Биринчи ёндашув хулосаси уни сохта пайғамбар сифатида баҳолайди (буни психологик ҳолат сифатида тавсифлаб) христиан

³⁵ Р. Белл, У.М. Уотт. Коранистика введение. Перевод с английского С.А. Жданова, Б.В. Норик, М.Г. Романов. – М. – Санкт-Петербург: Диля, 2005. – С. 26-27.

илоҳиётини давом эттирувчи шахс деб таърифлаб, ҳеч қандай паталогияда айбламайди.

Иккинчи ёндашув хулосасига кўра эса, тиббий психологик ҳолатни бошдан кечирган, патологиянинг юқори босқичидаги шахс сифатида баҳоланган. Хусусан, таниқли шарқшунос ҳамда тиббиёт соҳасининг мутахассиси доктор Шпренгер Муҳаммад (с.а.в)ни мускул тутқаноғи билан оғриганини таъкидлаб бу турдаги касалликка аксарият ҳолларда аёллар, айрим ҳолларда эса эркеклар ҳам чалинишини айтиб ўтади³⁶.

1905 йили Муҳаммад (с.а.в)нинг тутқаноқлик ва жазавага тушиши ҳақидаги фикрларга Хаустма раддия билдиради. Ушбу нуқтаи назарни айтиш масала билан шуғулланувчи В.В.Бартольд ва Андрэ Торомлар кўллаб-қувватлашган. Сўнгги бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатишича Муҳаммаднинг пайғамбарлик фаолиятини кассалик сифатида баҳолаш хато ҳисобланади³⁷.

Ғарб танқидий қуръоншунослигининг отаси сифатида танилган Нёльдекенинг исломдаги ваҳий ва пайғамбарлик масалалар юзасидан қарашлари энг аввало унинг илмий ёндашуви ҳамда нуқтаи назарини очиқ берувчи маълумот сифатида аҳамиятга молик. У ўзининг «Geschichte des Qorans» (Қуръон тарихи) асарида қуйидаги фикрларни келтиради: “Сир эмаски, кўплаб халқлар пайғамбарликка ўхшаш тушунча билан яқиндан танишлар. Бироқ, мазкур тушунча фақатгина исроилий халқда кенг ривож топганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Пайғамбарликнинг моҳияти охир оқибат бўйсундирувчи диний ғояга тўйинган руҳ воситасида юзага келиб, берилган илоҳий қувват воситасида ўз атрофидаги кишиларга тангри томонидан юборилган ҳақиқат деб билинган ғояни етказишда кўринади. Пайғамбарликнинг юқорида тилга олиб ўтилган халқда кенг авж олиши тарихдаги таъсир доираси билан боғлиқ иш бўлиб, бу ўринда биз уни чуқур

³⁶ К.Королевнинг умумий таҳрири остидаги муаллифлар жамоаси. Ислам классический энциклопедия. -М: «Эксмо» сбп «Мидград», 2005. – С. 115.

³⁷ Резван Е.А. Коран и его мир. Санкт-Петербург: С-Петербургское востоковедение, 2001. – С.119-120.

ўргана олиш имконимиз мавжуд эмас. Яҳудийлик динидаги пайғамбарлик ҳаракатлари таназзулга учрасада бутунлай инқирозга учрамади. Бунга далил сифатида Рим даврида пайдо бўлган сохта масиҳлар ва пайғамбарларни келтириш мумкин. Назарет шаҳри кўплаб пайғамбарлик истагидагиларни ўзига қамраб олган эди. Дастлабки христиан жамоаларида пайғамбарлик руҳидаги ҳаракатлар баъзи яширин гуруҳлар орасида фаоллашиб қолди. Черков тарихи қайд этишича катта пайғамбарлик ҳаракати айна ўша вақтнинг ўзида, кутилмаган бир шаклда христиан миссионерлик ҳаракатлари таъсиридан чекка ҳудудларнинг бири бўлган энг йирик араб бутпарастлик маркази ҳисобланган Макка шаҳрида вужудга келди. Шу ўринда эътироф этиш лозимки, Муҳаммад ҳақиқатданда пайғамбар эди. Агар биз унинг шахсиятини холислик билан синчиклаб кўриб чиқсак, унинг пайғамбарлигини ҳақиқат эканини тушуниб етамиз. Гоҳида баъзи кишиларнинг Муҳаммад ўз таълимотининг муҳим жиҳатлари яҳудийлик ва христианликдан олган деган беҳуда айбловларини учратамиз. Бу сўзлар аслида ақлга таяниб айтилган эмас. Чинданда Исломнинг ўзига хос жиҳатлари мазкур услубда кўзга ташланган бўлсада, бироқ, Муҳаммад тутган ушбу таълимот йўналиши ва аҳамияти тангри томонидан унга нозил қилинган ваҳий воситасида юзага келган бўлиб, у билан инсонларга хушхабар етказиш ва ҳақиқий пайғамбарлик масаласи бирламчи ўринни эгаллаган эди. Агар пайғамбарликнинг биргина критериясига эътибор қаратилса унга авваллари мутлақо эшитилмаган янгича фикрлар кела бошлайди. Муҳаммад ўз фикрларини узоқ муддат сирли равишда сақлаб келди. Эътибор қаратилса шу нарса маълум бўладики, сийрат китобларининг энг яхшиси ва пайғамбар руҳияти ҳақидаги маълумотларнинг ишончли манбаси бу Қуръоннинг ўзидир. Муҳаммадни бутпараст арабларнинг ибодатларининг ўзгартиришга қаратилган чорловига ишониши ва мўминларнинг жаноби даражасига эришиши фикримизни исботлайди. Агарда у товламачи бўлганида эди қандай қилиб олий насаб ва ақл-заковатли ва бошқа кўплаб мусулмонлар унинг атрофида бирлашишар эди?! Ваҳоланки

уларнинг яқин дўстлари Абу Бакр ва Умар машаққатли ва масрур дамларида уни кўллаб турар эдилар. Кўплаб олий насаб араб зодагонлари пайғамбарнинг таълимоти ва унинг янги диний гуруҳи атрофида бирлашдилар. Ҳолбуки, уларнинг аксарият қисми учун ушбу гуруҳ бошланаётган даврда унга эътиқод қилиш катта айб саналар эди. Қўшимча тарзда шуни айтиш мумкинки, мусулмонлар ўз нашрларида сир тутишни хоҳлашган ҳолат Муҳаммаднинг қатъияти заифлиги эди. Ҳа, дарҳақиқат у дастлабки босқичда ўз вазифасини журатсизларча яширин тарзда олиб борди. Лекин ички овоз уни безовта қилар эди. Унинг зиммасида собиқ яқинларининг таъна ва маломатларига қарамасдан дин асосларини етказиши, доимий тарзда шижоатли бўлиш талаб этилар эди.

Муҳаммад «Муқаддас рух» (Жаброил)дан ваҳий қабул қилиб оларди. Аммо ваҳий доимий шу шаклда учрамайди. Мазкур ҳодисадан мушкул мантиқий муаммолар яратишдан олдин мулоҳаза қилиб кўрсак, шу нарса маълум бўладики, мусулмонлар нафақат Қуръондаги ваҳий сўзини балки пайғамбар қабул қилиб олган ҳар бир илҳом ва унга қаратилган ҳар қандай илоҳий амр гарчи, у Қуръонга оид бўлмасида ваҳий сифатида тавсифлашади. Улар қабул қилган ваҳийнинг аксарият турлари Қуръонга дахли бўлмаган ваҳийларни ўз ичига олади. Айтилишича, Муҳаммад Оиша томонидан берилган ваҳийнинг нозил бўлиш ҳолати ҳақидаги саволига шундай жавоб берган эди: У худди кўнғироқ жаранги каби эшитилар ва кўп ҳолларда фаришта сиқиб тутиб турар ва бўшатиши биланок ваҳий қабул қилинади. Гоҳида, фаришта унга гўё инсон каби сўзлар ва енгиллик билан тушунилар эди. Бироқ кейинги олимлар ваҳий турларининг сонинг кўплиги билан ажралиб турадиган бошқа баъзи ривоятларни қўшимча сифатида келтиришади. Ал-Итқон (الاتقان) китобининг 103-саҳифасида ваҳийнинг нозил бўлишини қуйидаги шакллари санаб ўтилган:

- Кўнғироқ жаранги каби воқеъ бўладиган ваҳий
- Муқаддас руҳнинг дами орқали Муҳаммаднинг қалбига ўрнашиши воситасида

- Жаброилнинг эркак киши қиёфасида келиши воситасида
- Тангрининг худди “Исро” кечасидек уйғоклигида ёки уйқуда сўзлаши³⁸.

Мазкур маълумотлар Шпренгернинг “Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолияти” асаридаги келтирилган маълумотлар билан мувофиқ келади. Аммо мазкур ҳолатлар ал-маваҳиб ал-ладунийя (المواهب اللدنية) китобида қуйидагича зикр қилинади:

1. Тушда кечадиган ваҳий
2. Пайғамбар қалбига ўрнашадиган Жаброил келтирадиган ваҳий
3. Жаброилнинг Даҳят ибн Ҳолифатул Калбий қиёфасида келтирган ваҳий
4. Жаранглаган (овоз воситасидаги) ваҳий
5. Жаброил фақатгина икки маротаба кўринган ҳақиқий қиёфасида келтирган ваҳий
6. Кундалик беш маротаба ўқиладиган намозлари тартиби сингари самовий ваҳий
7. Аллоҳнинг ўзининг бевосита парда ортидан юборадиган ваҳий
8. Аллоҳнинг тўғридан-тўғри ўзини ошкор қилган ҳолдаги ваҳий.

Ушбу саккизта ҳолатдаги ваҳий турларига кейингилар яна икки ўринни қўшимча сифатида киритишди. Булар қуйидагича кўринишда:

1. Жаброилнинг инсон қиёфасида келиши;
2. Аллоҳнинг Муҳаммадга тушида кўриниши воситасида.

Кўриниб турибдики, Қуръон оятлари ва ривоятларнинг пайдо бўлиши ҳақида тушуниш мушкул бўлган кўплаб ҳолатлар учрайди. Бунинг натижаси ўлароқ мусулмонлар орасида қадимдан Муҳаммад Аллоҳни тўғридан-тўғри кўрган ҳолда ваҳий қабул қилиб олдими йўқми? деган савол туғилди. Оишага мансуб ривоятда Муҳаммад Аллоҳни ўз кўзлари билан кўрган деб ўйловчиларнинг барчасини ёлғонда айблаган. Шунга қарамасдан, мазкур

³⁸ Nöldeke T. Geschichte des Qorans. –Lepsigh: dietrech'she Verlagbuchhandlung, 1926.– S. 42-43.

фикр тангрининг Муҳаммадга асл ҳолида кўринишини инкор қилинган ҳолда муҳокама қилинаверди. Мазкур масала юзасидаги баҳс фақатгина асоссиз тафсирларнинг баъзи ўринларида кўзга ташланади. Хусусан, «Таквир» ва «Нажм» сураларида яққол намоён бўлади. Кейинги етишиб чиққан авлод мазкур фикрдаги тангрига нисбатан бундай одобсизликни яширишга уриниб «Нажм» сурасига чора излаб пайғамбар Аллоҳни қалби билан кўрган дедилар. Бизга тўртинчи ҳолат бўйича кўпроқ маълумотлар етиб келган. Ривоят қилинган маълумотларда ваҳийни қабул қилиш вақтларида Муҳаммадни кучли хуруж тутиб ҳатто оғзидаги сарёғини ютолмас, боши куйи эгик ҳолда бўлар, юзи оқарар ёки қизариб кетар, гўдак каби нола чекар, киш кунларида ҳам пешонасидан тер оқар эди. Мазкур хуружни Бухорий ва Воқидийлар “барҳо” (برحاء) яъни кучли оғриқ деб номлашган³⁹.

Византиялик солномачилар Муҳаммадни эпилепсия касаллигига чалинганлиги ҳақида маълумотлар қолдиришган. Мазкур маълумотларни Г.Веиль 1843 йили ўзининг «Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолияти» номли асарида тадқиқ этади. Г.Веиль Муҳаммад эпилепсиянинг бир турига чалинган деган фикрда тўхталиб, қуйидаги хулосаларини билдиради: “Шу ўринда амалий жиҳатдан тутқаноқ касаллиги юзага келтирган омиллардан бири бўлиб саналган хотиранинг йўқолиши ички қаттиқ изтироб ҳолатининг сабабларини ойдинлаштириб ўтишимиз зарур ҳисобланади. Айтилишича, ундаги бу ҳолатлар ёшлик чоғлариданоқ кузатилган бўлиб, араблар бундай хусусиятдаги кишиларни девона каби айбли деб билишар эди. Унга пайғамбарлик юборилганидан сўнг хуружлари сони орта бошлади. Хусусан, дастлабки даврда кучли безовталиқ авж палласига кўтарилган эди. Бироқ, хижратдан сўнг ҳам мазкур ҳолатлар гоҳида такрорланиб турар эди. Чуқур тафаккурга ғарқ бўлган дамда кўп ҳолларда тўсатдан хушсизланар эди.

³⁹ Нёльдеке Т. Тарих ул-Қуръон. /Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар.– Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1-жилд. – Б. 44-45.

Лекин юқоридаги фикримизга кўра ваҳий фаришта уни бўшатгандан сўнггина аён бўлар эди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, кучли безовталиқдан бутунлай холи бўлиб, онги ўзига тўла-тўқис қайтганидан сўнггина ваҳийни қабул қилиб олар эди. Мусулмонларнинг фикрига кўра мана шундай ҳолатдан сўнг Қуръон оятлари нозил бўлар ҳамда бошқа ишлар юзасидан илоҳий осойишталик етар эди. Касаллик даражасидаги жисмоний ва руҳий безовта ҳолат инсониятда кечадиган бир даражадаги кўрсаткичдан юқори турадиган кўриш ва туш сифатида шарҳланади. Эҳтимол, бу масалада тилга олинган энг машҳур ҳол тушнинг ўзи эканлигини қуйида исботлаб берадиган «Исро» (الاسراء) ва «Мерож» (المعراج) воқеаларидир. Умумий жихатдан, мазкур руҳий нотекислик атрофидаги ишончли маълумот шуки, Муҳаммад ўзининг дастлабки пайғамбарлик йилларида ўзига хос шаклда баён қилган Қуръон парчалари бўлди⁴⁰.

Нёльдеке пайғамбарнинг ваҳий қабул қилиб олиш ҳолатини қуйидагича изоҳлайди: “Маълумки, ваҳийнинг катта қисми тунда рўй берар эди. Аниқ биламизки, Муҳаммад тунларни ухламай ибодат билан ўтказар эди. Рўза тутишлик билан кўриш қудрати кучаяди. Шу билан биргаликда янги физиологияни кашф этади. Бироқ, Қуръонга шунчаки кўз югуртирган ўқувчи ҳам ушбу китобни барчаси энг юқори даражадаги жазавага тушиш туфайли пайдо бўлиши мумкин эмас эканлигини осонликча фаҳмлаб олади. Муҳаммад ички кучли ғалаёнлари асносида Қуръоннинг тўлиқ қисмларини эшита олмас фақатгина фикрлар ва сўзларни илғай оларди халос. Айни ана шу сабабга кўра унга ваҳий қилинган хабарлар мустақил Қуръонга оид парчалар эмас, балки пайғамбар ваҳийсининг таркиби қисми сифатида таъбир қилинган эркин шаклдаги адабиёт, деган тарихий мунозара вужудга келган. Қўрқинчли ички жазава вақт ўтиши билан сусайгандан сўнг сураларда сокинлик устувор бўларди. Яширин тарздаги фаришта келтирган

⁴⁰ Nöldeke. Das Leben Muhammed's.–Lepthig: Gari Rümpler, 1863. – P. 12.

вахийнинг ҳолати Қуръоннинг ҳосил бўлишида энг кўп учраган шакл сифатида эътироф этилади⁴¹”.

Веилнинг фикрича, Муҳаммад қабул қилган баъзи оятлар инсоният томонидан жорий қилинган. Янада тўғрироғи Муҳаммад айтган оятларнинг баъзисини унинг фикрисиз тушуниб бўлмайди. Бу ҳолатлар пайғамбарликнинг дастлабки босқичларида яққол кўзга ташланади. Далил сифатида унинг Жаброил Дихяга ўхшарди деган фикрини келтиришимиз мумкин. Албатта, бу киши пайғамбар ҳаётида муҳим ўрин тутмаган. Бинобарин, Жаброил қиёфасини унинг кўринишига ўхшатилиши тасодифдан бўлак нарса эмас. У Муҳаммад билан илгари мустаҳкам алоқада бўлмагани ҳам маълум.

Махмуд аз-Замахшарий ва Байзовийларнинг тафсирида ёзилишича пайғамбар «Тавба» ва «Юсуф» сураларидан бошқа суралар оятма-оят, харфма-харф қабул қилиб олган. Фақатгина юқоридаги икки оятни бир дафъада тўлалигича қабул қилиб олганлар. Абу Лайс ас-Самарқандийнинг тафсирига мувофиқ эса ҳар сафар бир ёки икки оят қабул қилиб олинганлиги айтилади. Суютийнинг ал-Итқон асаридаги бир ривоятга кўра эса беш ва ундан ортиқ оят нозил бўлганлиги ҳақида маълумот берилса, ундаги бошқа бир ривоятга кўра бештадан ўнтагача, ундан зиёд ёки озроқ миқдорда ҳам бўлиши мумкин⁴². Қўшимча сифатида шуни айтиш мумкинки, баъзи суралар осмондан тўлалигича бир дафъада нозил бўлган. Мисол сифатида «Анъом» сурасини келтириш мумкин. Абу Лайс Самарқандий бу ҳақда шундай деди: “Шаҳр ибн Хушабнинг айтишича «Анъом» сураси яхлит ҳолда нозил бўлган бўлиб, икки оятидан ташқари ҳаммаси маккий суралар сафидан ўрин олган.

Недекенинг эътироф этишича, Қуръонни ҳолислик билан ўқиса оятларнинг кўпчилик қисми бир-бирига боғлиқ эканини ва бир дафъада

⁴¹ Нёльдеке Т. Тарих ул-Қуръон. /Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар. Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1 ж. – Б. 45-46.

⁴² Жалолиддин Абдурахмон Суютий. Ал-Итқон фий улумил Қуръон. -Байрут: Дарул маърифат, 1997. – Б. 98.

нозил бўлган бир неча оятлар эса шубҳасиз ғоят кенг қамровлий эканига гувоҳ бўлиш мумкин. Баъзи суралар шу қадар мос тартибланганки, нафақат ибтидоси балки интиҳоси ҳам муносиб тарзда шаклланган. Қуръоннинг хитоб усули умумий жиҳатдан кўп ҳолларда бир мавзудан иккинчисига сакрайди.

Умуман, мазкур китобнинг номларидан бири бўлган “Қуръон” сўзига тўхталсак, у ваҳийнинг ягона бир бўлагини эмас, балки, унинг кўп сонли бўлакларини ёки барча бўлакларини йиғиндиси ҳисобланади. Шунингдек, юқоридаги сўз яҳудий тилидаги ⁴³مقرا маносини ўзида ифодалайди. Қуръон лафзи “қараъа” ⁴⁴قرأ феълининг инфинитив шакли бўлиб, “фуълан” فعلان парадигмасига мувофиқ ясалган. Бироқ бу сўзнинг асл маъноси ҳақидаги саволга жавоб бўла олмайди. Қуръонда “قرأ” феъли “ўқимоқ” ва “бажармоқ” маъноларини англатади⁴⁴. Мазкур феъл қадимги сомий тилига тегишли сўз бўлиши мумкин эмас. Бизнинг фаразимизга кўра бу сўз араб ўлкасига шимолдан кириб келганлиги эҳтимоли юқори. Шу жиҳатдан ушбу сўзнинг асли ҳали хануз араб ва оромий тилларида сақланиб қолган نادى маъносида акс этади. Араб тилида эса бунда маънода тушунилмайди. Шунга қарамасдан ушбу маъно ҳамон араб тилидаги “қараъа ғала фулан ас-салама” ⁴⁴قرأ على فلان “(кимгадир салом бермоқ) деб айтиладиган машҳур ибора сақланиб қолган. Чинданда “қараъа” ⁴⁴قرأ феъли ва оромий тилидаги (шалум) сўзи ўртасида мустаҳкам алоқадорлик мавжуд. «Алақ» сураси биринчи оятидаги ⁴⁴اقرأ сўзи аслида “сабоқ бер” деган маънони ўзида ифодалайди. Айни ана шу фикр маънога мутаносиб саналади.

Муфассирлар Қуръон сўзининг ўзаги ва шакли бўйича турли фикрларни билдирадilar. Бир гуруҳ олимлар мазкур сўзни шахс ва сонда тусланмайдиган от деган фикрни билдирдилар. Хусусан, Шофеъий айтади:

⁴³ Бу сўз тахминан “самовий китоб” маъносини англатади. Далил сифатида куйдаги оятларни келтириш мумкин: Хижр сураси 87; ал-Исро сураси 72-74; Фурқон сураси 32-34;

⁴⁴ Ушбу оятларда “قرأ” феъли юқорида тилга олинган маънолар ифодалайди: Наҳл сураси 98-100 \ ал-Исро сураси 93-95 \ ал-Ҳаққо сураси 19 \ Муззамил сураси 20 \ ал-Аъло сураси 6;

“Исмоил ибн Қустантиндан эшитдим у шундай деди: “Қуръон сўзи ҳамза иштирок этмаган сўз бўлиб қироат ўзагидан олинмаган. Агарда шундай бўлганида эди ҳар бир ўқилган матн “қуръон” деб номланган бўлар эди. Мазкур сўз Таврот ва инжилга ўхшаш, турланмайдиган сўздир”. Бошқа бир гуруҳнинг фикрича Қуръон сўзи шахсда ва сонда турланувчи сўздир. Бироқ улар ўз қарашларини турли тарзда талқин қилишади. Биринчи тоифанинг фикрича Қуръон قرن ўзагидан олинган бўлиб, бир-нарсани иккинчисига боғлашни билдиради. Иккинчи тоифанинг фикрича мазкур сўз فعлан вазнидаги сўз бўлиб, тўлдириш ва жамлаш маъноларини ифодалайди⁴⁵.

Қуръоннинг номларидан яна бири бўлган «Фурқон» сўзи аслида китоб маъносини англатмайди. Мазкур сўз бошланғич от сифатида ифодаланиб ваҳий маъносини англатади ва Қуръонда ҳам айна мана шундай маънода қўлланилади. Қуръоннинг «Фурқон» сураси биринчи ояти ҳамда «Бақара» сураси бир юз саксон бешинчи оятларида мазкур фикр ўз исботини топган. Шу билан бир қаторда у Ҳорун ва Мусога ўхшаш бошқа пайғамбарларга ҳам берилганлиги тўғрисидаги маълумот айна Қуръоннинг «Бақара» сураси эллик учинчи ва «Анбиё» сураси қирик саккизинчи оятларида акс этади.

Ф. Шавалли Муҳаммад (с.а.в)га нозил бўлган Қуръоннинг шеъриятга дахлдор экани ҳақида қуйидаги хулосаларни тақдим этади: “Биз биринчи галда, Қуръонни шеърий услубдан кўра кўпроқ хитобий хусусиятга эга деган фикр тарафдоримиз. Ривоятларда келтирилишича мусулмонлар ўз пайғамбарларини жоҳилия шеъриятига мутлақо алоқадор, эмас деган фикрни исботлашга ҳаракат қиладилар. Зероки, мазкур ривоят Қуръоннинг “ал-Ҳаққо” сураси қирик биринчи оятидаги “У бирон шоирнинг сўзи эмасдир!”⁴⁶ жумласи асосида пайдо бўлган. Пайғамбарнинг ақлий табиати ундаги таълимий, хитобий ва шеърий асослари ҳақида қисқача хабар беради. Муҳаммад ҳаётида бир маротаба энг содда ражаз вазнида шеър тўқигани ва

⁴⁵ Фаҳд ибн Абдулрахмон ибн Сулаймон Румий. Диросат фий улумил қуранил карим. ар-Риёз: Мактабатул малик Фаҳдул ватаний, 2005. – Б. 19-20.

⁴⁶ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Чўлпон. –Т.: 1992. – Б. 573.

баъзи ҳолларда назми ўзгача байтлар айтгани кўринади. Муҳаммаднинг рақиблари унга шоир лақабини беришган эди. Бу “Сажъ” деб номланган ўша даврнинг шеърий услуби сифатида эътироф этилган эди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, ўша давр шоирлари узоқ вақт қофия ҳамда вазн услубларига тўлиқ риоя қилишар эди. “Сажъ” қисқа қисмларга ажратилган гап бўлиб, бири иккинчиси ёки бир нечаси фақатгина биргина қисмнинг ортидан кетма-кет келади. Бўлакнинг охирида келган қисми шеърнинг қофиявий қоидаларига кўра сўнгги сўзнинг сўнгги ҳарфи талаффуз қилинмайди. Қадимги қоҳинлар сўзларини низоми бўлган ушбу услубдан Муҳаммад ҳам баъзи ўзгартиришлар киритган ҳолда фойдаланган⁴⁷.”

Нёльдекенинг фикрича Муҳаммад (с.а.в)га нозил бўлган ваҳийнинг бош манбаси, хусусан, мусулмонларнинг эътиқоди негизи ҳисобланган иймон масаласи шубҳасиз яҳудийликка оид ёзма манбалар таъсири остида вужудга келган. У қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Муҳаммаднинг таълимотини сураларнинг муқаддима қисми ўзида ифода этган бўлиб, қолган қисми эса яҳудиларнинг манбасига таалукли ҳисобланади. Шу сабабли Қуръондаги аксарият пайғамбарлар қиссаси, қолаверса бошқа кўрсатмалар яҳудийлик билан узвий боғлиқдир. Бироқ Қуръонга христианликнинг таъсири у қадар кўп учрамайди. Умуман, Қуръондаги яҳудийлик ва христианликка ишонч ислом таянган асосий маслак бўлиб хизмат қилди. Мисол тариқасида Ислом таълимотидаги машҳур “Ла илаҳа иллаллоҳ” шаҳодат калимасига эътибормизни қаратсак, мазкур сўз яҳудийликка қандай алоқадор эканини кўриш мумкин⁴⁸.”

Яҳудийлар Арабистон ярим оролининг бир қанча жойларида, хусусан, Муҳаммаднинг юрти бўлган Макка билан ўзаро алоқадаги Ясриб минтақасида истикомат қилар эди. Шунингдек, христианлик ҳам Арабистон

⁴⁷ Нёльдеке Т. Тарих ул-Қуръон. /Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар. Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1 ж.– Б. 46-47.

⁴⁸ Нёльдеке Т. Тарих ул-Қуръон. /Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар. Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1 ж.– Б. 46-47.

ярим орлида кенг тарқалган эди. Жумладан, Форс ва Византия империяси ҳудудлари билан чегарадош қабилалар ҳисобланган Калб, Той, Танух, Тағлаб, Бакр ва Тамим қабилалари орасида ҳамда Яманда узоқ муддат Християн хабашийлар ҳукмронлиги таъсири христиан дин яшаб келди⁴⁹. Мазкур маълумотлар Исмоил ибн Касир Димашкийнинг “Ал-Бидая ван ниҳая” асарида келтирилган ривоятларда ўз тасдиғини топади⁵⁰. Ислом дини пайдо бўлиши арафасида яшаган баъзи машҳур шоирлар христианлик таълимотидан хабардор эканлигини ҳам кўриш мумкин. Аммо улар кўп худоликка таянган бутпарастликни сақлаб қолганлар.

Нёльдеке христианликнинг пайғамбар фаолиятига таъсири тўғрисида куйидаги фикрларни билдиради: “Агар эътиборимизни христианликнинг Муҳаммад пайғамбарга таъсирига қаратсак, яҳудийлик билан бир қаторда санаб ўтиш мумкин. Ислом динидаги таҳажжуд яъни тунги ибодат ва ибодат қилишнинг баъзи ҳолатлари, шу билан бир қаторда ваҳийни «Фурқон» деб номланиши ҳам шубҳасиз, христианлик манбалари таъсири остида вужудга келган. Айтиш мумкинки, ислом дини араб диёрларидаги барча христианлар қабул қилган христианликнинг бир кўринишидир.

Маълумки, пайғамбарга эргашган кишиларни бошқалар илк даврда «собий»лар деб номлашган. Бу ном христианликнинг баъзи оқимлари билан узвий боғлиқ. Шу билан бирга мусулмонлар ўзларини ҳанифларнинг давомчилари, дея эътироф этишарди. Чунки ҳанифлар кўп худоликдан юз ўгирган ва христианлик ва яҳудийлик таълимотларини устун сановчи кишилар эди. Илк ислом даврида пайғамбар издошларининг христиан хабашийлар мамлакатига ҳижрати ҳам бу таълимотлар ўртасидаги яқинликдан далолат беради.

⁴⁹ Ўша асар. – Б. 47.

⁵⁰ Қаранг: Абул Фидо Исмоил ибн Касир. Бидая ван ниҳая. 5 ж. Абдуллоҳ ас-Сидкий ва Муҳаммад Ғозий Байзун таҳрири остида. Байрут: Дорул Маърифат, 1998. – Б. 50, 68, 93, 98.

Шубҳасиз, Муҳаммад истиско ибодатини муқаддас китобдан олмаган аксинча, мазкур маросимнинг бош манбаси литургия⁵¹ ёзма асосларидан олинган. Яна шунингдек, қадимги аҳдда келтирилган қиссаларга ҳам Қуръонда ажоиб сўзлар воситасида безак берилганини кўриш мумкин. Хусусан, Қуръоннинг анбиё сурасининг 105 оятидаги “Дарҳақиқат Биз (Лавҳул-маҳфузда) зикр қилингандан сўнг Забурда: «Албатта (жаннатнинг) ерига менинг солиҳ бандаларим ворис бўлурлар», деб ёзиб қўйгандирмиз⁵²”.

Нёльдеке пайғамбарнинг саводсиз эканлиги тўғрисида қарашларни ўз асарида қуйидагича изоҳлайди: Пайғамбарнинг ўқиш ва ёзишни билиши ҳақидаги далилларни қониқарсиз деб баҳолаш мумкин. Асосий ҳужжат эса Аъроф сураси 158 оятидаги “уммий (саводсиз) пайғамбар” жумласи бўлиб, аксарият муфассирлар мазкур жумлани ўқиш ҳамда ёзишни билмайдиган пайғамбар, деб шарҳлашган. Бироқ Қуръондаги барча оятларга диққат билан разм соладиган бўлсак, “уммий” калимаси барча ўринларда “аҳли китоб” маъносида қўлланилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу маънодан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мазкур сўз ёзишни билмайдиганларга эмас, аксинча муқаддас китобни билмайдиган шахсга нисбатан қўлланилганини сезиш қийин эмас. Далил сифатида Бақара сурасининг 78 оятида “Уларнинг ичида китобдан беҳабар, фақат хом ҳаёлларнигина биладиган омийлари ҳам борки, улар фақат гумон қиладилар, ҳалос⁵³”. Мазкур оятда келган “уммийлар” сўзидан кўзланган маъно эса китобни оз биладиган яҳудийлар эди. Шу нуқтаи назардан қараганда Муҳаммад қадимги муқаддас китобларни аввалда билмаган ва шунинг баробарида, мазкур китобларнинг ҳақиқатидан фақатгина ваҳий воситасидагина хабордор бўлган. Бунга қўшимча равишда

⁵¹ Қаранг: мазкур сўз юнон тилидан олинган бўлиб хизмат, умумий юмуш деган маъноларни ўзида ифода этади. Литургия православ, католик ва баъзи черковларнинг сирли Евхаристи маросимини амалга оширадиган христианликнинг бош ибодати саналади.

⁵² Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. Чўлпон. –Т.: 1992. – Б. 295-296

⁵³ Нёльдеке Т. Тариху-л-Қуръон. Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар. Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1ж. – Б. 14.

Анкабут сураси 48 оятдаги “Сиз (ўзингизга Қуръон нозил қилишидан) бирон китобни тиловат қилгувчи бўлган эмас эдингиз ва ўз қўлингиз билан ҳам хат ёзган эмас эдингиз. Акс ҳолда бу бузғунчи кимсалар шубҳага тушган бўлур эдилар⁵⁴” оятини мисол келтириш мумкин⁵⁵.

Айтиш мумкинки, ғарб дунёси ислом таълимотидан хабардор бўлишидан илгари ҳам ваҳий ҳақида тасаввурга эга эди. Инсонлар ва тангри ўртасидаги воситачига етиб келувчи илоҳий хабар нафақат муайян дин вакиллари, балки, барчани қизиқтирувчи масала саналиб келган. Турли даврларда мазкур масалага турлича ёндашувлар асносида муносабат билдирганлар. Ўтган асрларда фаолият олиб борган бир қатор исломшунос ва қуръоншуносларнинг мазкур масала юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари уларнинг тадқиқот услуб ва йўналишларидан дарак бериш билан биргаликда, давр руҳиятини ҳам белгиловчи манба бўлиб ҳам саналади. Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, аксарият ғарб қуръоншунослари ваҳийни гоҳида Муҳаммад (с.а.в) ғайри оддий руҳий ҳолати натижаси ўлароқ вужудга келган уйдурмалари деб баҳоласа, гоҳида эса яҳудий ва христиан динларидан таъсирланиш сифатида изоҳлашади. Бироқ бу турдаги ёндашувлар ечилиши мураккаб бўлган саволлар туғилишига сабаб бўлади. Агар Муҳаммад (с.а.в) чинданда тез-тез ўзини йўқотадиган ҳолатдаги носоғлом шахс бўлса нима сабабли унга жамиятнинг турли табақаларига мансуб кишилар эргашди? Нима сабабдан тарихда бошқа бундай ҳолат қайта кузатилмади? Агарда Қуръон касаллик хуруж қилиши натижасида юзага келган хабарлар бўлса нима сабабдан тезда ўз аҳамиятини йўқотмади? Ёки унинг таълимоти яҳудийлик ва христианликнинг манбалари таъсири остида шакллланган бўлса, нима сабабга кўра Қуръон ҳар иккала дин вакиллари нотўғри эътиқодда эканликда айблади? Нима учун ҳар икки дин

⁵⁴ Ўша асар. – Б. 364.

⁵⁵ Нёльдеке Т. Тариху-л-Қуръон./Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар. Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1 ж. – Б. 47,48,49.

таълимотининг энг нозик жиҳатларигача Муҳаммад (с.а.в)га ўргатган шахс ёки шахсларни ҳаёти ҳеч қаерда зикр этилмаган? Мазкур вазифа замирида қандай мақсад мавжуд эди?

Айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб ғарб қуръоншуносларининг ваҳий масаласига ёндашувлари бир мунча ўзгариб бормоқда. Бироқ, ҳанузгача ваҳий масаласида мусулмон олимлари ва ғарб қуръоншунослари ягона тўхтамга келишмаган.

2.2. Нёльдекенинг Маккада нозил бўлган Қуръон сура ва оятлари бўйича ўзига хос қарашлари

Қуръоннинг нозил бўлиш давлари мавзуси ўрта аср олимлари томонидан кенг ўрганилган ҳамда ҳозирги давр тадқиқотчиларининг ҳам диққат-эътиборларида бўлиб келмоқда. Манба ва тадқиқотларда ваҳийнинг нозил бўлиш давларига алоҳида бўлимларнинг бағишланиши бунга мисол бўла олади. Лекин тадқиқотларда маккийлик ва маданийлик масаласи Қуръоннинг давларда нозил бўлиш жиҳатидан ўрганилиб, унга жой ва муҳит нуктаи назаридан ўрганишга камроқ эътибор берилган .

Аксарият манбаларда маккийлик ва маданийлик масаласига уч хил таъриф берилган:

1. Ҳижратгача бўлган даврда нозил бўлган сураларни маккий, ундан кейинги даврда нозил бўлган оятларни эса маданий суралар деб тавсифлашган. Бу таъриф вақт нуктаи-назаридан айтилган бўлиб, кўплаб олимлар мазкур ёндашувни қўллаб-қувватлаган.
2. Макка аҳлига қарата айтилган оятлар маккий, Мадина аҳлига қаратилган оятлар эса маданий оятлар деб баҳоланган. Мазкур ёндашув мавзу жиҳатдан таърифланган.
3. Маккада нозил бўлган оятлар у ҳижратдан олдин ёки кейин нозил бўлишига қарамай маккий, Мадинада нозил бўлганлари эса маданий деб таърифлашган. Ушбу таъриф фақатгина нозил бўлиш ўрни жиҳатидан айтилган дейиш мумкин .

Умуман, маккий сураларни маданий сураларидан ажрата билиш ҳар икки давр воқеа ва ходисаларини тушуниш, Қуръонни тафсир қилиш, пайғамбар ҳаёти ва фаолиятини кўплаб қирраларини тўлиқ очилиши, Ислом қонунчилиги тарихи ва эътиқод қилувчи шахснинг зиммасига юклатиладиган мажбуриятларнинг тадрижийлигини тушуниш ҳамда уларни тўғри баҳолаш билан бирга насх ҳолатини аниқлашда беқиёс аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мазкур масала шарқ ва ғарб олимларини эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Мазкур масалани тўлиқ англаш учун Макка даврини батафсил ўрганиш кўплаб масалаларни ойдинлаштириб бера олади.

Ислом манбаларида Қуръоннинг нозил бўлиши Муҳаммад (с.а.в) 41 ёшдаликларида 17 рамазон 611 йилдан бошлангани ҳамда вафотларига 10 кундан 80 кунгача қолганига қадар давом этгани айтилган.

Қуръоннинг асосий қисми Маккада, сўнг Мадинада нозил бўлган. Шунга кўра, Қуръон икки даврда: биринчи Макка даврида 12 йил 5 ой 13 кун, Мадина даврида эса, 9 йил 9 ой 9 кун, жами 22 йил, 2 ой 22 кун давомида нозил бўлган.

XIX асрда европалик олимлар юқоридаги масалада янгича қарашни илгари сурганлар. Айниқса, Т.Нёльдеке ўзининг тадқиқотида Макка ва Мадинада нозил бўлган сураларни мусулмон олимларининг анъанавий услуби каби ажратган бўлсада, у Макка даврини яна учга бўлади. Нёльдекенинг фикрича ваҳий фақатгина 19 йил давомида нозил бўлган. Мазкур фикрга баъзи мусулмон олимлари ҳам қўшиладилар. Унинг фикрига кўра Қуръондаги маккий суралар Муҳаммад (с.а.в)нинг ҳаёти ва фаолиятдан дарак берадиган уч босқични босиб босиб ўтган. Мазкур босқичлар қуйидагича шарҳланади:

Пайғамбарликнинг дастлабки босқичи «фатра» деб номланган бўлиб, ушбу босқич пайғамбарликнинг илк беш йиллик фаолиятини яъни 612-617 йилларни ўз ичиги қамраб олади. Пайғамбарга илк бор Қуръон сураларининг нозил бўлиш жараёни Макка шаҳридан уч чақирим узоқликда жойлашган Хиро ғорида бошланади. Мазкур сура «Алақ» деб номланиб, ҳозирги кундаги

Қуръоннинг тартиб ўрнига кўра тўқсон олтинчи ўринда туради. Мазкур даврнинг дастлабки уч йили мобайнида Муҳаммадга ҳеч қандай ваҳий нозил бўлмади. Айнан шу йиллар давомида пайғамбар бир қадар руҳий изтироб ва саросимага тушиб қолади. Пайғамбар мансуб бўлган Қурайш қабиласи Макка шаҳрининг ҳукумдор жамоларидан саналиб ушбу даврда улар Муҳаммадга қарши бирор ҳаракатни амалга оширишмади. Улар Муҳаммадга ҳар қайси жамоада учратиш мумкин бўлган ақлдан озган киши сифатида безъятибор муносабатда эдилар. Мусулмон олимлари Хиро ғорида содир бўлган илк ваҳий ва кейингиси ўртасидаги вақт ҳақида етарли фикрларни билдирадилар. Хусусан, ҳозирда ислом оламининг таниқли олимларидан бири ҳисобланган Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий ўзининг «Фикҳу сийратин набий» асарида бу ҳақда қуйидаги маълумотларни келтиради: “Ваҳий нозил бўлишининг тўхтаб қолиши даври ҳақида турли қарашлар мавжуд. Баъзи олимларнинг фикрига кўра бу давр уч йил давом этган эди десалар, бошқаларнинг фикрига кўра мазкур босқич ундан оз муддатни ўзига қамраб олади деб тушунтирилади. Байҳақийдан етиб келган хабарга кўра мазкур босқич олти ойдан иборат эди”. Ибн Аббосдан қилинган ривоятга кўра мазкур муддат қирқ кунни ташкил этса, «Равзул унф лис-Суҳайлий» асари муаллифи ушбу муддатни икки ярим йилдан иборат эди деган фикрни билдиради.

Маккаликлар диний масалаларда ҳеч қандай чегара белгиламас, бунинг натижаси ўлароқ бошқа дин вакиллари билан ўзаро яқин муносабатлар ўрнатилган эди. Шунингдек Қурайшликларнинг ҳам динлари бундан мустасно эмас эди. Улар турли диний таълимотларга тоқатсиз муносабатда эмас эдилар. Бундай муносабатни турли диний фирқаларга мансуб бўлган араб қабилаларига Каъба эшикларини очик эканлигида кўриш мумкин. Ҳанифлардан бўлган Варақа бин Навфал христианликни қабул қилганида унинг эътиқодига дахлдор бўлган бу масалага бирор киши аралашмади ва ҳеч ким эътироз ҳам билдирмади. Шу сабабдан пайғамбарликнинг дастлабки даврида Муҳаммадга истехзо билан қарашарди. Унга қарши ҳаракатлар у

Ўзининг диний таълимотини ягона тўғри йўл сифатида эълон қилиб, бошқа динларни нотўғри эканида айблагандан сўнг бошланди. У охираат ҳаёти ҳамда қиёмат ҳақидаги хабарларни етказиши Қурайшликларни у қадар ташвишга солмади. Фақатгина Каъбадаги бутпарасликка қарши даъват ишларини олиб борганидан сўнггина Муҳаммадга қарши қаратилган ҳаракатлар фаоллашиб кетди. Бунинг асосий сабаби эса узоқ йиллар мобайнида шаклланган диндан воз кечиш истаги йўқлигида эди. Қурайшликлар Макка шаҳрини арабларнинг муқаддас маркази сифатида танитган динларига чуқур ҳурмат билдиришар эди .

Муҳаммадга Макка шаҳрида нозил бўлган суралардан кўзланган асосий мақсад ягона тангрига ишониш билан бир қаторда ўлимдан кейинги ҳаёт ва қиёмат кунига иймон келтиришга кишиларни даъват этиш эди. Бироқ у ақл қабул қиладиган мантикий далилларга эмас, балки, тингловчини ҳиссиётларини жунбушга келтирадиган сўзлардан фойдаланди. Шу тарзда яратувчи бўлган Аллоҳни олқишлади ҳамда ундан бошқа илоҳ деб ибодат қилинаётган бут-санамларни ёлғонга чиқарди. Тангри буйруқларини тўлиқ бажарган кишиларга абадий бахт ваъда қилиш билан биргаликда илоҳий буйруқларни бажаришдан бош тортиб, хатога йўл қўйган кимсалар учун жаҳаннам азобларини тавсифлайди .

Нёльдеке «Фатра» босқичи нозил бўлган маккий суралар кетма-кетлигини Усмон мусхафидаги тартиб рақамига кўра қуйидаги кўринишда кайд этади: 96, 74, 111, 106, 108, 104, 107, 102, 105, 92, 90, 94, 93, 97, 86, 91, 80, 68, 87, 95, 103, 85, 73, 101, 99, 82, 81, 53, 84, 100, 79, 77, 78, 88, 89, 75, 83, 69, 51, 52, 56, 70, 55, 112, 109, 113, 114, 1 .

Фатра босқичи ниҳоясига етиши билан тўхтовсиз равишда суралар нозил бўла бошлайди. Бу эса Маккада нозил бўладиган сураларнинг иккинчи босқичи бошланганидан далолат берар эди. Ушбу ўрта босқични бошлаб берган сурага эса Мудассир ном берилган эди. Мазкур сура пайғамбарни оддий шоир ва шунчаки қадимги қиссаларни сўзловчи шахс сифатида масаҳара қилинганидан сўнг нозил бўлди. Сурада пайғамбарга ўз

вазифасидан оғишмай бажариши кераклиги ҳақида сўз боради: “Эй (либосларига) бурканиб олган зот, туринг-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг! Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг! Либосларингизни пок тутинг! Бутлардан йироқ бўлинг!”

Мазкур давр пайғамбарликнинг бешинчи ва олтинчи йилларини яъни 617 йилдан то 619 йилларгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Ибн Аббос ва Байзовийнинг таъкидлашича ушбу даврда Макка аҳолиси, хусусан, мазкур шаҳар раҳбари Валид ибн Муғира ҳамда Абу Лаҳаб лақаби билан танилган Абд ул-Уззо пайғамбарга қарши ҳаракатлар олиб бора бошлайдилар. Хусусан, Валид ибн Муғира Маккада нозил бўлган сураларнинг иккинчи босқичида қаттиқ қораланганини қуйидаги оятлар мисолида кўриш мумкин: “(Эй Муҳаммад), Мен сўққабош ҳолида яратган кимсани Ўзимга қўйиб беринг! Мен унга кенг-мўл мол-давлат ва (доимо ёнида) ҳозир нозир ўғилларни (ато) қилдим. Яна унга (ҳаётнинг барча неъматларини) қулай-осон қилиб қўйдим. Сўнгра у янада зиёда қилишимни тамаъ қилур. Йўқ, (унинг тамаъси беҳудадир)! Чунки у Бизнинг оятларимизга қаршилиқ қилгувчидир. Яқинда Мен уни бир харсанг тошга (яъни ўтиб бўлмас тўсиққа) дучор қилажакман! Чунки у (Қуръонни эшитгач, бу илоҳий Китобга қандай тухмат қилиш тўғрисида) ўйлади, режа тузди. Ҳалок қилингур қандай режа тузди-я?! ”

Пайғамбарнинг амакиси бўлган Абу Лаҳаб ҳақида эса қуйидаги оятлар нозил бўлди: “Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай — ҳалок бўлгай! (Аниқки) у қуриди — ҳалок бўлди! ”

Яна шунингдек, мазкур босқичда нозил бўлган оятларда жаҳаннам ва унда бериладиган жазолар хабари очиқ-ойдин мисоллар билан келтирла бошлади .

Нёльдеке пайғамбарликнинг иккинчи босқичида нозил бўлган маккий суралар кетма-кетлигини Усмон мусхафидаги тартиб рақамига кўра қуйидаги кўринишда қайд этади: 54, 37, 71, 76, 44, 50, 20, 26, 15, 19, 38, 36, 43, 72, 67, 23, 21, 25, 17, 27, 18.

Учинчи босқич пайғамбарликнинг еттинчи йилидан то ҳижратгача бўлган давр яъни 619-622 йилларни ўз ичига олади. Ушбу даврда нозил бўлган сураларда пайғамбарнинг бир неча рақибларининг саркашликлари ҳақида сўз боради. Мазкур йиллар давомида пайғамбарнинг мутлақо айбсиз эканлигига урғу қаратилади. Шу билан биргаликда келтирилган ваҳийлар Аллоҳнинг сўзигина бўлиб қолмасдан, асл самовий маълумотлар мажмуаси экани алоҳида таъкидлана бошланди. Мисол тариқасида Буруж сураси 21-22 оятларни келтириш мумкин: Йўқ, (улар ёлғон дейишаётган нарса) Лавҳул-Махфуздаги (яъни ҳар қандай бузилиш ва ўзгаришдан сақланган-ҳимояланган Лавҳдаги) Буюк Қуръондир”.

Мазкур босқичда пайғамбар ўз рақибларининг қилмишларини шиддатли равишда ошкор қилишда давом этади. Бу эса пайғамбар ва унга қарши бўлган тараф ўртасидаги зиддиятни кучайишига сабаб бўлди.

Учинчи босқичда нозил бўлган маккий суралар кетма-кетлигини Усмон мушфафидаги тартиб рақамига кўра қуйидаги кўринишда қайд этади: 32, 41, 45, 16, 30, 11, 14, 12, 40, 28, 39, 29, 31, 42, 10, 34, 35, 7, 46, 6, 13 .

Нёльдекенинг тадқиқотига кўра Маккада нозил бўлган сураларнинг умумий сони тўқсонтани ташкил этади. Мусулмон муфассирларининг фикрларига кўра Маккий сураларнинг умумий сони саксон еттитани ташкил этади. Умуман Маккий ва Маданий суралар ҳақидаги маълумотлар саҳоба ва тобеъинларнинг хотираларига таянилган ҳолда қайд этилган. Сура ва оятларнинг нозил бўлиш ўрни ҳақидаги маълумотлар пайғамбарнинг ўзидан бевосита етиб келмаган. Чунки у мазкур ишга буюрилмаган ва шу билан биргаликда тангри бу ҳақдаги илмни баъзи илм аҳлидан ташқари мусулмонларга мажбурият сифатида юкламаганида дея изоҳланади.

Нёльдекенинг фикрича маккий сураларнинг сўнгги босқичига таалукли бўлган Анкабут сурасининг 45-ояти Мадинада нозил бўлган оятлар таркибига киради. Мазкур оятда қуйидаги кўрсатмалар берилади: (Эй мўминлар), сизлар аҳли китоб билан фақат энг чиройли йўсинда мужодала-

мунозара қилинглари, магар уларнинг орасида зулму-зўравонлик қилган кимсалар билангина (кескин муомала қилишингиз мумкиндир) .

Нёльдеке маккий сураларни таҳлил қилиш орқали пайғамбар ҳаётини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилди. Унинг тадқиқот услуби анъанавий услубдан катта фарқ қилмасида, ҳар бир оятни давр шароитлари билан бевосита боғлиқ ҳолатда шарҳлаши ўзига хос услубидан дарак беради. Шу билан бир қаторда, у ўзининг таҳлиллари орқали пайғамбарнинг руҳий ҳолатини қандай тарзда ўзгариб бурганини очиб беришга интилади.

Нёльдекенинг Қуръоннинг жамланишига доир қарашлари

Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёти ва фаолиятида бўлиб ўтган тарихий воқеаларга қаратсак, Қуръон оят ва суралари билан узвий боғлиқ эканига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шу билан биргаликда, Қуръон оят ва сураларининг тузилиш тартибини синчковлик билан ўрганилса уларнинг қандай шароитларда нозил бўлганига, ҳамда пайғамбарлик қандай фаолиятлар воситасида мустаҳкамланиб бурганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Фақатгина шу йўл орқали пайғамбар олиб бурган фаолият ҳақиқатларидан тўлалигича воқиф бўлиш мумкин. Жумладан, у мунофиқлик ва ёлғончилик айбловларига қарши ўзини қандай ҳимоя қилганлиги тўғрисидаги маълумотларни учратиш мумкин. Бироқ, Қуръондаги суралар нозил бўлиш тартиби бўйича жойлашмаган. Мазкур китобга тартиб берилишида аксар ҳолларда унинг ҳажмига эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан, Қуръонни аввалидан охирига қадар ўқиш ҳам пайғамбар ҳаёти ва фаолиятини тўлалигича очиб бермайди, балки ўқувчига мавҳумлик туғдиради⁵⁶.

⁵⁶ www.muhammadanism.org .Simpkin, Marshall, Hamilton, Kent & Co. ИСТОРИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ КОРАНА. Лондон; 1923. – Б. 1

Бу масала хусусида ҳозирда ислом оламининг йирик вакилларида бири ҳисобланган Тақий Усманий ўзининг «Улумул Қуръон» асарида қуйидаги фикрларни билдиради: “Айтилишича Қуръон нозил бўлиши ҳозирги вақтдаги тартиби пайғамбаримизга нозил бўлган тартибдан бошқа шаклда бўлган. Чунки оятлар ҳолат ва заруратларга мувофиқ тарзда нозил бўлган. Аниқроғи, бирор оят нозил бўлгач расуллулоҳ ўз ваҳий котибларига бу оятни фалон суранинг фалон жойига ёзиб қўйинглар деб буюрар эди. Котиблар оятни айтилган жойга киргазиб қўйишар эди. Нозил бўлиш тартибини сақлашга пайғамбар ҳам, саҳобалар ҳам кўрсатма беришмаган эди. Шу сабабли Қуръон мукаммал бўлгач инсонлар қайси оят қандай тартибда нозил бўлганлиги тўғрисидаги савол улар учун эътиборга молик деб ҳисобланмаган. Шунинг учун ҳам ҳозирда баъзи сура ва оятларнинг тартиби ҳақида савол пайдо бўлсада, тўлиқ Қуръоннинг нозил бўлиши тартиби юзасидан маълумотлар мавжуд эмас”⁵⁷.

Қуръон сураларини хронологик тартибига шарқда илк бор эътибор қаратган мусулмон олими Жалолиддин Суютий (1445-1505 й.) бўлган бўлса, ғарбда эса XIX-XX асрларда европалик олимлардан Г.Вейлем, А.Шпренгером, В.Мьюром, И.Родвелем, Г.Гримме, Нёльдеке ва Ф.Швалли, Р.Блашэр ва бошқалар мазкур мавзу юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бордилар⁵⁸.

Суютийнинг «Итқон» асарида тўхталадиган бўлсак, унда баъзи ривоятларга суяниб сураларнинг нозил бўлиши тартибини баён қилишга ҳаракат қилганини кўриш мумкин. Бироқ бу ривоятлар сураларнинг Маккий ёки Маданий эканлигини билдиради. Нозил бўлган тартиби борасида бу ривоятлардан маълумот сифатида фойдаланиб бўлмайди.

⁵⁷ Тақий Усманий. Улумул Қуръон. Карачи: Мактабатул улум Карачи, 1997. – Б 69.

⁵⁸ Климович Л.И. Книга о коране, его происхождении и мифологии. – М.: Издательство политической литературы, 1986. – Б. 44.

XIX асрнинг сўнгги чораги ҳамда XX асрнинг бошларидан бошлаб баъзи шарқшунослар ҳам Қуръонни нозил бўлиш тартибини аниқлашга ҳаракат қилишган. Биринчи бўлиб машҳур Германиялик шарқшунос Теодор Нёльдеке бу ишни бошлади. Ундан кейин кўпгина ғарблик изланувчилар мазкур мавзуда тадқиқот олиб боришди. Жумладан Вилиям Мьюр ҳам ўзининг «The Life of Mohammad» китобида мазкур масалага алоҳида тўхталиб ўтади. 1953 йили Лондонда Жемь Родвел томонидан амалга оширилган Қуръоннинг таржимасида сураларнинг машҳур Усмон мусхафига зид тарзда, Нёльдеке ишлаб чиққан хронологик тартибга биноан келтиради. 1902 йили Хришфолд эса ўзининг «Researches into the composition and exegesis of the Qoran» асарида нафақат сураларни, балки оятларни ҳам тарихи тартибини аниқлашга ҳаракат қилган. Бунга қўшимча тарзда Ричард Блашер 1947 йили Парижда нашр қилинган Қуръоннинг французча таржимасида бу масалага катта эътибор қаратади. Ҳозирги кунда ҳам шарқшунослар бу соҳадаги изланишларни амалга оширмоқдалар. Айрим мусулмон олимларининг Қуръонни нозил бўлиш тартибини аниқлашга ҳаракат қилишларига эса шарқшунослар таъсир кўрсатган бўлса ажаб эмас⁵⁹.

Қодиёния фирқаси муфассири Мулла Муҳаммад Алининг таъкидлашича Қуръон пайғамбар ҳаёт эканлигида ҳам ёзув шаклида мавжуд бўлган, шу билан бирга ундаги сура ва оятлар айнан ҳозирги тартибда жойлашган. Бу ишларнинг барчаси пайғамбар кузатуви ва раҳбарлиги остида содир бўлган. Агар бу маълумотни ҳақиқат сифатида қабул қиладиган бўлсак, у ҳолда Абу Бакр ва Усмоннинг мазкур китобни кўздан кечириш ва тўғрилаш ишларининг сабабларини тушунтириб бериш бир қадар қийинчиликларни келтириб чиқарган бўлар, ҳамда Зайд ибн Собитнинг қилган ишлари эса ўз мантикийлигини ёқотган бўлар эди. Бундан ташқари Муҳаммаддек оқил шахснинг ўзидан кейин бундай мавҳум шаклдаги китоб қолдиришини тасаввур этиш ҳам қийин.

⁵⁹Такий Усманий. Улумул Қуръон. Карачи: Мактабату-л-улум, Карачи, 1997. – Б. 70-71.

Араб ва форс муфассирлари Қуръон сураларини муаян тартибга кўра жойлаштирган бўлсалар, Ғарб Қуръоншунослари Муир ва Нёльдеке ҳам уларни хронологик узвийликда жойлаштиришга ҳаракат қилдилар.

Жалолиддин Суютий ўзининг «Итқон» асарида қуйидаги маълумотларни келтиради: Сураларнинг тартибига тўхталар эканмиз савол туғилади. У чиндан ҳам илоҳий кўрсатма асосида жойлаштирилганми ёки саҳобаларнинг ижтиҳоди билан амалга оширилганми? Бу ҳақда турли қарашлар мавжуд. Аксар олимлар мазкур масала хусусида икки хил фикр билдирадилар. Жумладан Молик ва Қози Абү Бакрларнинг ҳар бири мана шу икки фикр тарафдорлари ҳисобланади. Ибн Форис айтади: Қуръоннинг жамланиши икки шаклда эди. Улардан бири энг йирик етти сурани Китобнинг аввалги саҳифаларига жойлаштириб, қолганларини кейинги ўринларда келтириш юзасидан бошчилик қилишни саҳобалар ўз зиммаларига олдилар. Бироқ бундан бошқа жамланиш яъни оятларнинг суралардаги жойлашуви пайғамбарга тангри томонидан фаришта Жаброил воситасида келтирилган илоҳий буйруқлар асосида шаклланган. Айнан шу сабабли салафларнинг мусхафларидаги сураларнинг жойлашиш тартиби турлича эди. Хусусан Алининг мусхафи сураларнинг нозил бўлиш кетма-кетлиги юзасидан жойлаштирилган бўлиб, мусхаф аввалида «Иқроъ» сўнгра «Мудассир», «Нун», «Музаммил», «Таббат», «Таквир» ва шу тартибда Маккий сўнгра Маданий суралар ўрин олган. Ибн Масъуднинг мусхафи эса «Бақара» сўнгра «Нисо», «Оли Имрон» ва бошқа кўплаб ихтилофлар мавжуд. Шунингдек Убай ибн Каъб ва бошқаларнинг мусхафларида сураларнинг жойлашув тартиби бири-бирига ўхшаш эмаслигини кузатиш мумкин⁶⁰.

Шиъа ақидавий йўналишининг илоҳиётчиларининг фикрича Қуръон оятларининг таркиби тузилиши саҳобаларнинг мулоҳазаларига кўра жойлаштирилган. Хусусан, аллома Мажлиси Аҳзоб сурасидаги покланиш ҳақидаги “(Эй пайғамбар) хонадонинг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни

⁶⁰ Ас-Суютий. Итқон фий улум ил-Қуръон. Байрут: Дару-л-маърифат, 1996. – Б. 82.

кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди холос”⁶¹ дейилган оят хусусида тўхталиб, кўплаб Шиъа ақидавий йўналишининг илоҳиётчилар ва муфассирлари мазкур оят аввалги кейинги оятларга узвий боғлиқ ҳисобланиб, Али, Фотима ва уларнинг болалари ҳақида эмас, балки, пайғамбарнинг аёллари ҳақида деб таъкидлашади. Юқоридаги нуқтаи назарни Муҳаддис Нурийнинг қуйидаги фикрлари тасдиқлайди: Қуръон сураларидаги оятларнинг таркиби тузилиши пайғамбар атрофидаги саҳобаларнинг фикр-мулоҳазаларига таянади. Ушбу баҳс-мунозаралар шуни хулоса қилиш мумкинки, кўплаб тарафдорларга эга бўлган Суннийий ақидавий йўналиши тарафдорлари оят ва суралар фақатгина илоҳий кўрсатмалар асосида шаклланганини таъкидлашса ҳам, Шиъа йўналиши тарафдорлари эса саҳобаларнинг фикрларига таянган ҳолда тартибланган деб билишларига қарамай ҳар икки йўналиш тарафдорлари макур тартибланишни ҳеч шубҳасиз тўғри деб эътироф этишади⁶².

Ислом таълимотига кўра дастлабки ваҳий милодий 611 йилдан бошлаб нозил бўла бошлаган. Қуръон эса 22 йил давомида гоҳида якка тартибдаги оят, гоҳида эса бир неча ўн оятлар тарзида бўлак-бўлак ҳолда нозил бўлган⁶³. Нёльдекенинг фикрича ваҳий фақатгина 19 йил давомида нозил бўлган. Мазкур фикрга баъзи мусулмон олимлари ҳам қўшиладилар.

Пайғамбарга илк бор Қуръон сураларининг нозил бўлиш жараёни Макка шаҳридан уч чақирим узоқликда жойлашган Хиро ғорида бошланади. Мазкур сура «Алақ» деб номланиб, ҳозирги кундаги Қуръоннинг тартиб ўрнига кўра тўқсон олтинчи ўринда туради. Мазкур сура қуйидаги оятлар билан бошланган: (Эй Муҳаммад, барча мавжудотни) яратган зот бўлмиш

⁶¹ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. –Т.: «Чўлпон», 1992. –Б. 384.

⁶² Сайид Муҳаммад Бакир Хужжати. Исследование по истории корана. Перевод с фарси Тажиддин Мардони. Тегеран: Аль-Хода, 2007. – С. 33-34.

⁶³ Мустафо Содик ар-Рофиъий. Иъжазул Қуръон ва балағатун набавия.-Байрут: Дарул китабил арабий, 2005. – Б. 26.

Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг! У инсонни лахта қондан яратган (зотдир)⁶⁴.

Нёльдеке дастлабки ваҳий ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: “Оятдаги “Иқроъ” اقرأ яъни. «ўқинг», деб таржима қилиниши учун Муҳаммад ўқиш малакасига эга бўлиши зарур эди. Бироқ кўп ҳолларда “қараъ” قرأ сўзи тушунарли тарзда сўзламоқ, ифодали қилиб етказиб бермоқ маъноларини англатса, бошқа қардош диалектларда мазкур сўз чорламоқ, даъват этмоқ маъноларини англатади. Шу жиҳатдан, мазкур сўзда пайғамбар сифатида «барчага маълум қил!» деган маъно борлигини тахмин қилишимиз мумкин. Айнан мана шу каби мисолни Библияда пайғамбар Исаи 40 фасл 6 шеърда ҳам кузатиш мумкин⁶⁵”. Бу ҳақда қадимги аҳдда пайғамбарларнинг бирига шундай дейилади: Овоз деди: Баралла эълон қил! У нимани эълон қилай деди⁶⁶.

Айтиш мумкинки, Ғарб қуръоншунослари тадқиқотларида Қуръондаги масалаларга рационал ёндошиш билан биргаликда Библия билан таққослаш омили кенг ривожланган. Шарқ мусулмон олимларининг изланишларида эса асосий урғу аввалги олимларнинг нақлий далилларига қаратилади. Бу фикрнинг тасдиғини кейинги иқтибосларда кузатиш мумкин.

Нёльдеке Қуръондаги дастлабки сура ҳақидаги турли ривоятларга қуйидагича муносабат билдиради: “Замахшарийнинг ёзишича ибн Аббос, Мужоҳид ва бир неча муфассирлар пайғамбарга дастлабки нозил бўлган сура бу «Фотиҳа» сураси эканлигини таъкидлашади. Бошқа олимларнинг фикрича «Қалам» сураси илк бор нозил бўлган сура ҳисобланади. Айрим муфассирларнинг фикрича «Шуаро» сурасининг 214 оятидаги: «Ва яқин кариндош-уруғларларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг!»⁶⁷ жумласи дастлабки тарғибот бўлиб саналади. Бироқ мазкур фикрга қарши

⁶⁴ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. –Т.: «Чўлпон», 1992. – Б. 641.

⁶⁵ Theodor Nöldeke. Geschichte des Qoran. Dieterich'sche Verlagsbuchhandlung Leipzig. 1938. – Б. 9-10.

⁶⁶ Библия. М.: Российское Библейское общество; 1998. – Б. 709.

⁶⁷ Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. –Т.: «Чўлпон», 1992. – Б. 339.

тарафлар айнан ушбу сурадаги 215 оятидаги «Ўзингизга эргашган мўмин бўлган кишилар учун қанотингизни паст тутинг!»⁶⁸, 218 ва 219 оятларидаги «У сизни ўзингиз (намоз учун) тураётган вақтингизда ҳам, сажда қилувчилар (намоз ўқувчилар) орасида (имом бўлган ҳолингизда намоз руқунларининг биридан иккинчисига) кўчаётган (вақтингизда ҳам) кўриб турар»⁶⁹ кўрсатмаларни далил сифатида келтиришади. Чунки юқорида келтирилган оятларда оз сонли мусулмонлар жамоасига ишоралар мавжуд эди. Шу билан биргаликда сура услуби пайғамбарликнинг дастлаб даврига таалуқли эмаслигини ундаги кейинги даврга алоқадор бўлган العزيز الرحيم (Қудратлий ва Раҳмдил зот), السميع العليم (Барча нарсани эшитувчи ва ҳар нарсадан хабардор зот) сўзлари қўлланишида ҳам кўриш мумкин⁷⁰.

Суютий ўзининг «ал-Итқон» асарида илк бор нозил бўлган оятлар ҳақида ҳадис билан далил келтирилган тўрт хил фикрларни келтириб ўтади. Келтирилган қарашларни далилларсиз қуйидаги шаклда кўриш мумкин:

- 1) «Алақ» («Лахта қон») сурасининг дастлабки беш оят.
- 2) «Аль-Мудассир» («Бурканиб олган киши») сураси.
- 3) «Аль-Фотиҳа» («Очувчи») сураси.
- 4) Бисми-л-Лаҳи-р-Раҳмани-р-Раҳим⁷¹.

Нёльдекенинг кўплаб асарлари мусулмон олимларининг ҳам эътиборини ўзига жалб этди. Бироқ аксарият олимлар унинг асарларида субъектив фикрларни устун қўйилганлигини таъкидлаб ўтадилар. Хусусан, Доктор Абдурахмон Бадавий унинг асарлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Қуръонни тадқиқ этиш бўйича амалга оширилган чуқур ва юзаки танқидий ёндашувларнинг тадбиқ этишга қаратилган ҳаракатлар ғарб шарқшунослари томонидан жорий қилинди. Дастлабки танқидий тадқиқот

⁶⁸ Ўша манба – Б. 339.

⁶⁹ Ўша манба – Б. 339-340.

⁷⁰ Нёльдеке Т. Тарих ул-Қуръон. Араб тилига таржима ва изохлар муаллифи Ж.Томар. Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1 ж. – Б. 63-64.

⁷¹ Сайид Муҳаммад Бакир Хужжати. Исследование по истории корана. Перевод с фарси Тажиiddин Мардонии-Тегеран: Аль-Хода; 2007. – С. 25-26.

мавзуси сифатида Қуръоннинг нозил бўлиш тартиби юзасидан эди. Немис шарқшуноси Нёльдеке Қуръон матнларини хронологик жойлашуви юзасидан кенг миқёсда изланишлар олиб борди. Жумладан, у Маккада нозил бўлган сураларнинг матнларидаги оятларнинг услубига кўра уч босқичга бўлиб ўрганади. Бу бўлинишларда у ўзининг хулосаларигагина таянади. Бу турдаги ёндашувлар эса хато ва янглиш тўхтамларни келтириб чиқарган. Қуръоннинг тартибланиши ва тузилиши ҳақида биз шундай фикрдамиз: Мазкур жараён ҳақида етиб келган барча маълумотлар, жумладан, Қуръон оятларининг тартиби илоҳий кўрсатма бўлиб, расулуллоҳнинг ёки бирор бир саҳобанинг ҳам ижтиҳоди эмас. Саҳобалар пайғамбар ҳаётлик чоғида ҳам ундан кейин ҳам бу ишга қўл урмаган. Оятларнинг кетма-кетлиги ёки бирини бошқасидан айри ҳолда бўлиши Аллоҳ ҳузуридан Жаброил воситасида ваҳй тарзида қабул қилиб олинган⁷².

Имом Аҳмад Усмон ибн Абу Осдан қилган ривоятда шундай дейилади: “Расулуллоҳ ҳузурида ўтирган эдик. Шунда у зот ишора қилиб дедилар: “Жаброил келди ва менга ушбу (Наҳл сураси 90) оятни (мазкур) суранинг шу ўрнига қўйишни буюрди.

Бухорий ибн Зубайрдан қилган ривоятда у шундай дейди: “Усмонга Бақара сурасидаги «و الذين يتوفون منكم و يذرون ازواجاً» оятидан то «غير اخراج» гача бўлган қисмини бошқа оят насх қилди уни ёзма дедим. У эса: Эй биродаримнинг ўғли бирор нарсани ўз ўрнидан бошқа жойга ўзгартирмайман деди”.

Пайғамбарни ўқиш ва ёзишни билмайдиган саводсиз экани барча муаррих ва хатто мушрикларга маълум ҳақиқат эди. Айнан шу сабабли у ўзига нозил бўлган оятларни ваҳий котиблари деб номланган саҳобалар ёзар эди. Тўрт халифа, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Муовия ибн Абу Суфён,

⁷² Абдурахмон Бадавий. аш-Шубҳат ул-мазъума хавлал Қуръан. - Дамашк: Дар ул-фикр. 1997. – Б. 12.

Муғийра ибн Шуъба, Зубайр ибн Аввом, Шурахбил ибн Хасана, Абдуллоҳ ибн Равоҳалар энг машхур ваҳий котибларидан саналади.⁷³

“Бидая ван ниҳая” асари муаллифи ваҳий котиблари ҳақида қуйидаги маълумотларни эслаб ўтади: “Абу Бакр ибн аби Шайба шундай дейди: Расулуллоҳ ҳузурларидаги энг биринчи ваҳй котиби Убай ибн Каъб эди. Агар пайғамбар ҳузурида у ҳозир бўлмаса Зайд ибн Собит, Ҳолид ибн Саъид, Абан ибн Саъидлар ёзар эди.

Имом Бухорий ва имом Муслим Анасдан қилган ривоятда шундай дейилади: “Расулуллоҳ отамга “Менга Аллоҳ сенга Қуръон ўқиб беришимни буюрди” деди. Отам эса “Эй Расуллулоҳ (тангри) мени номимни айтдимми?” деди. У зот ҳа дедилар. Отамнинг кўзларидан ёш қуйилди”.⁷⁴

Ҳузайфа ибн Ямон «Боб» жангидан қайтганида Саъид ибн Осга шундай деди: Мен ўз сафаримда бир ишни кўрдим. Агарда одамларни безътиборлик билан ташлаб қўйилса Қуръонда ўзаро ихтилофга борадилар, сўнг уларни мутлақо тўхтатиб бўлмайди. Саъид ибн Ос унга нима учун бундай ўйлаяпсан, деди. Хумсликлардан бир жамоасининг фикрича уларнинг қироати бошқаларникидан яхши, деб билишади ҳамда алоҳида меёр қилиб олишди. Дамашқликларнинг айтишича уларнинг қироати бошқаларнинг қироатидан яхши экан. Куфаликлар ҳам уларга ўхшаб ўзларининг қироатларини яхшироқ, деб билишади ва ибн Маъсуднинг қироатини афзалроқ санашади. Басраликлар ҳам худди шунга ўхшаш фикрдалар ва Абу Мусонинг «Љубобул кулуб» мусхафини ўқишади. У мазкур хабар билан Куфа шахрига етиб бориб уларни огоҳлантирганида ибн Масъуднинг шогирдлари: “нима учун инкор қиласан?! Улар “Ибн Масъуднинг қироати билан ўқимайликми?!” дедилар. Ҳузайфа бундан ғазабланиди ва тирик бўлсам буни албатта амирул муъмининга етказаман деди. Кейинчалик Бухорий Ҳузайфани Усмонга айтган фикрларини қуйидагича келтиради: “Умматни яҳудий ва

⁷³ Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий. Ла яътиҳил батил. -Дамашқ: Дарул фикр, 2008. – Б. 216-217.

⁷⁴ Абул Фидо Исмоил ибн Касир. Бидая ван ниҳая. 5 ж. Абдуллоҳ ас-Сидқий ва Муҳаммад Ғозий Байзун таҳрири остида. Байрут: Дорул Маърифат, 1998. – Б. 354.

насронийларнинг ихтилофлари каби Қуръон юзасидан турли фикрда бўлиб қолишлари олдини ол!⁷⁵”.

Усмон барча саҳобаларни тўплади ва Ҳузайфанинг фикрларини етказди. Сўнгра зудлик билан расулуллоҳнинг аёллари Хафса бинти Умар хузурида сақланаётган, Абу Бакр даврида ёзилган саҳифадан нусха кўчириш учун беришини сўраб элчи жўнатди. Мазкур саҳифа даставвал Абу Бакр сўнг Умарда кейин эса унинг қизи Хафсада қолган эди. Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъид ибн Ос, Абдурахмон ибн Ҳорислар келтирилган саҳифадан нусха кўчирдилар. Усмонни буйруғига биноан агар калималарда турли хилликка дуч келинса Қурайш лаҳжасидан фойдаланиш кераклиги айтилади. Абу Бакр саҳифасидан нусха кўчирилгандан сўнг Усмон уни яна Хафсага қайтаради. Кўчирилган мусхафларни эса халифаликнинг турли томонларига юборади. Мазкур нусхаларнинг сони юзасидан турли маълумотлар мавжуд. Суютий Итқон асарида уларнинг сони бешта деб таъкидлаган бўлса, ибн Абу Довуд Абу Хотам Сижистонийдан эшитган маълумотига кўра мусхафнинг етти нусхасини Макка, Шом, Яман, Баҳрайн, Басра, Куфага юборади ва бир нусхасини эса Мадинада қолдиради⁷⁶.

Пайғамбар даврида Қуръоннинг жамланмаганлиги аниқ, чунки Расулуллоҳнинг тўсатдан вафот этиши кутилмаган ҳолат эди. Зайд ибн Собитдан қилинган бир ривоятда бу пайтгача Қуръон умуман жамланмаганлиги айтилса, бошқа бирида Абу Бакр томонидан тайёрланган нусха ҳақида айтилади. Бу ривоятга кўра халифа оятларни тарқоқ ҳолатда эканлигини кўради. Бу қарашлар олдинги фаслларда келтирилган маълумотларга асосланадиган бўлсак ўзаро мувофиқ келмайди.

Пайғамбар даврида кўпчилик кишилар Қуръонни жамлашган эди. Ибн Саъд табақот китобида "Пайғамбар даврида Қуръонни жамлаганлар зикри" деб номланган алоҳида фасл келтирган. Лекин унинг ўзи бошқа ўринларда

⁷⁵ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳихул Бухорий. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. ж 1. –Б. 28.

⁷⁶ Муҳаммад Ризо. Зуннурайн Усмон бин Аффон.-Байрут: Мактабатул асрия, 2003.-Б. 175.

Қуръонни биринчи бўлиб хулафои рошидинлар даврида жамланганлиги ҳақида айтиб ўтади. Юқорида тилга олинган "жамлаш" маъноси ваҳийни китобга эмас, балки "хотирага" жамлаш аниқроғи ёдлаш маъносида ишлатилган.

Аксарият ривоятларда Қуръонни ким жамлагани ҳақида ихтилоф учрамайди. Уларнинг кўпчилигида тўрт исм кўп учрайди. Булар: Убай ибн Каъб, Муъоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит, Абу Зайд Ансорийлардир. Бу ривоятларнинг турли сийғаларида бошқа исмлар ҳам келтирилган, жумладан: Абу Дардо, Усмон, Тамим ад-Дорий, Абдуллоҳ ибн Масуъд, Салим ибн Маъқал, Убода ибн Сомит, Абу Аюб, Саъд ибн Убайд, Мужаммаъ ибн Жария, Убай ибн Муовия ва Али ибн Абу Толиб.

Мазкур шахслар орасида Али, Солим, Зайд, Убай, ибн Масъуд кабилар Қуръонни ёзма равишда жамлаган ёки жамлашга ундаган шахслар сифатида эътироф қилинади.

Турли ривоятларда келишича, Али Қуръонни жамланиши ортида турганлигини таъкидлайди. Шундай ривоятларнинг бирида келишича Али ҳам Муҳаммад тирклигидаёқ бу ишга киришган. Бу ишни у Муҳаммаднинг буйруқлари билан қилган. Ривоятга кўра, у Қуръонни варақлар ва шойи мато бўлакларидан жамлай бошлаган ва то ишини битирмагунча уйидан чиқмасликка қасам ичган.

Юқоридаги саҳобаларнинг Қуръоннинг жамланишидаги ўрни ҳақида Мустафо Содиқ Рофиъий ўзининг «Иъжозул Қуръон» асарида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади: “Қуйидаги саҳобалардан уч нафарининг мусхафлари ўта ишончлилиги билан ажралиб туради: Ибн Масъуд, Убай ибн Каъб ва Зайд ибн Собитларнинг мусхафлари. Уларнинг барчалари Қуръонни пайғамбарга ўқиб берган ҳолда унинг назоратидан ўтганлар. Бироқ Ибн Масъуд Қуръонни Маккада ўрганиб уни ўша ерда пайғамбар назоратидан ўтган бўлсалар, Убай ибн Каъб эса хижратдан сўнг Қуръонни ўқиб Мадинада пайғамбар назоратидан ўтган эдилар. Зайд эса ҳар иккаласидан кейин сўнгги бор пайғамбар кўригидан ўтган эди. Шу сабабли мусулмонлар

Зайдни Қуръонни жамланишига етакчи вакил бўлишини истаган эди. Шунингдек, Алий ибн Абду Толиб ҳам пайғамбар вафотидан кейин бир мусхаф жамлагани айтилади. Ибн Надим «Фихрист» асарида Абду Яъло Ҳамза Ҳуснийда Али ўз қўли билан ёзган Ҳасаннинг авлодларига мерос бўлиб қолган мусхаф борлиги айтилади. Бизнинг фикримизча бу шиаларнинг хабаридир. Чунки мазкур мусхаф умум эътирофидаги маълумот ҳисобланмайди⁷⁷.

Али Муҳаммад (с.а.в.)нинг вафотидан сўнг одамларнинг Қуръонни ўрганишга кунт қилмасликларини мулоҳаза қилиб, Қуръонни ёдаки ҳолатдан, яъни хотирадан ёзма ҳолатга келтирган, бу ишни у уч кунда тугатган.

Фихрист асари муаллифининг даъво қилишича, у бир марта Али томонидан ёзилган асл нусханинг бир бўлагини кўрган экан.

Мазкур ривоятлар ҳақиқатдан йироқ, чунки улар шиъа тафсирлари ёки шиъаларнинг таъсири мавжуд бўлган сунний тарихчиларининг ривоятларидан олинган. Уларда шубҳали маълумотлар кўп учрайди. Мазкур ривоятлар фақат шиъаларнинг ўзлари тан олган ровийларидан нақл қилинган.

Бу тартибда баъзи суралар қолдириб кетилган, булар: Фотиҳа, Раъд, Сабаъ, Муҳаммад, Маъун суралари эди. Шунга қарамай Алининг сураларни тартиблашдаги ўзига хос ўрни яққол намоён бўлиб турибди, яъни Қуръон суралари етти қисмга ажратилиб ҳар бирида ўн олти – ўн еттитаъ танланган суралар келтирилади. Бу турдаги усул шунчаки танланган эмас. Ушбу етти гуруҳнинг ҳар бирида дастлабки суралар, ҳозирги расмий мусхафнинг энг биринчи суралари билан бошланган. Биринчи гуруҳ расмий мусхафдаги иккинчи рақамли сура яъни Бақара сураси билан бошланади. Иккинчи гуруҳдаги илк сура учинчи рақамли Оли Имрон сураси билан бошланса,

⁷⁷ Мустафо Содик ар-Рифоъий. Иъжозул Қуръон ва балағатун набавия. Байрут: Дарул китобил арабий, 2005. – Б. 27.

учинчи гуруҳнинг илк сураси тўртинчи рақамли Нисо сураси билан бошланади. Ҳар бир гуруҳнинг суралари ана шундай кетма-кетликда жойлашган.

Агар сураларнинг тартиби Усмон суянган тартиблаш усулига ишора қилса, уни қироат қилиш учун жузларга ажратиб чиқиш эса кейинги давр, яъни, уммавийлар даврининг усулиги ишора қилиши мумкин.

Бошқа бир ривоятда Солим ибн Маъқалнинг мажмуаси ҳақида айтилади, сўнг ушбу мажмуани жамлаш ҳақида кенгаш бўлади. Баъзилар "Сифр" номини танлайди. Солим бу номни рад этади, чунки бу ном яҳудийларнинг басмаласини эслатади, у "мусҳаф" номини афзал кўради. Мазкур номни у Хабашистонда эшитган эди⁷⁸.

Айни шу мавзуда Суютий бошқа бир ҳикояни келтиради, унда Солим Абу Бакрга Қуръонни жамлашни ўз зиммасига олиш лозимлигини уқтирган кишилардан бири сифатида келтирилади. Қуръон тарихидаги кейинги воқеаларга эътибор берилса бу ривоятни ўзаро зид эканлиги маълум бўлади. Шу сабабдан Суютий бу ривоятларни ғариб дейди.

Зайд ибн Собитдан қилинган ривоятларда пайғамбарликни даъво қилган Мусайламага қарши бўлган жангда кўплаб Қуръонни ёд олган ҳофизлар ҳалок бўлади. Умар ибн Хаттоб бундан кўрқиб, халифа Абу Бакрни Қуръонни жамлашга ундайди. Дастлаб Абу Бакр бу ишни амалга оширишга шошилмайди ва кейинроқ бу ишга киришади ҳамда мазкур вазифани Зайд ибн Собитга топширади. У мато бўлаклари, ясси тош, хурмо пўстлоғи, курак суяклари, тери, тахтачалардан ва яна бир муҳим манба – одамларнинг хотирасидан Қуръон оятларини йиғиб ёза бошлайди. Жараён сўнггига келиб Тавба сураси 128-129 оятлари Мадинадаги Ҳузайма ёки Абу Ҳузаймадан топилади. Зайд оятларни тартибга солинган саҳифаларга ёзиб, уни халифа Абу Бакрга топширади. Унинг вафотидан сўнг бу саҳифалар Ҳафсага ўтади.

⁷⁸ Нёльдеке Т. Тариху-л-Қуръон./Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар. Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1ж. – Б. 346.

Асосий ривоятга кўра Умар Қуръонни жамлашга ундаган киши сифатида намоён бўлса, бошқа бир ривоятда, Абу Бакрнинг мазкур жамланишга алоқаси йўқ бўлиб, доимо бу иш Умарнинг ўзининг маъсулияти остида бўлгани таъкидланади. Мазкур ривоятнинг матнида “Умар Қуръонни биринчи бўлиб жамлаган киши эди” деган жумла учрайди.

Яна бир ривоятда Умар Қуръонни жамлашни Абу Бакрга айтганида у буни рад этади. Чунки пайғамбар даврида бундай ишни ҳеч ким қилмаган эди. Шунда Умар 25 нафар қурайшлик ва 50 нафар ансорларни чақириб Қуръонни Саъид ибн Оса тақдим қилишни сўрайди. Бу ривоятда ҳам нотўғри маълумотлар мавжуд эканини кузатиш мумкин. Далил сифатида шуни айтиш мумкинки, Умар ҳоким бўлганида Саъид ибн Ос ўн бир ёш бўлган. Бироқ Зайд ибн Собитнинг бу ишга маъсул бўлгани ҳақида кўплаб ривоятлар келади. Чунки ушбу ривоятларда Зайднинг ёш экани ва заковати алоҳида тилга олиниб ўтади. Зайд ибн Собит мажмуасига нисбатан ишлатилган «сухуф» ибораси бир тарафдан шакли ва мазмуни жиҳатидан ягона шаклга келтирилмаган мажмуага нисбатан ишлатилган бўлиши мумкин. Иккинчи тарафдан эса «сухуф» ибораси, охирги расмий мажмуа бўлмиш «мусхаф»дан фарқ қилиши мумкин. Чунки у «мусхаф»дан фарқли ўлароқ муайян кетма-кетликда тартибланмаган фақатгина Қуръон жузъларини ўзида жамлаган мажмуага нисбатан ишлатилган бўлиши мумкин.

Лекин юқоридаги назарияни мақбул деб бўлмайди, гарчи сухуф алоҳида-алоҳида саҳифалардан иборат бўлсада муайян тартибга эга бўлган, чунки бир варақнинг ўзи камида икки бетни, гоҳида эса тўрт бетни ҳам ўз ичига олган бўлиши мумкин. Юнон кўлёмалари уч-тўрт варақлардан ташкил топган, куфий кўлёмма мактублар эса учтадан бештагача варақдан ташкил топган, бу эса унда 12 тадан 20 тагача бетни ўз ичига олган демакдир⁷⁹.

⁷⁹ Нёльдеке Т. Тариху-л-Қуръон ./Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар. Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1-жилд. – Б. 347-348.

Ушбу ҳолатларни ҳисобга оладиган бўлсак оятлар ўзига хос тартибга эга бўлган. Мазкур “сухуф”нинг тартиби «мусҳаф» яъни расмий нусха – Усмон мусҳафидан катта фарқ қилмаган. Шу сабабдан нима учун бу мажмуага «мусҳаф» ёки «ал-китаб» номи берилмаганини тушуниш қийин. Бу ерда «сухуф»нинг китобга ўхшатиб тикиб қўйилмагани аҳамиятли эмас. Чунки Усмон мусҳафи ҳам тикилмаган эди⁸⁰.

Муҳаммад(с.а.в) вафотларидан то Усмон мусҳафигача бўлган 20 йил ичида юқоридагидан ташқари яна 4 та мажмуа тузилган. Бу Қуръон мажмуалари Убай ибн Каъб, Миқдод ибн Асвад, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Мусо Ашъарийларга тегишли. Уларнинг мажмуаларни тўплашдаги таянган йўналишлари номаълум. Мазкур мажмуаларни улар турли ашёларга ёзилган Қуръон оятларидан тўплаб ёзганларми, ёки ўзларидан аввалги мажмуалардан фойдаланганларми бу савол ҳам очиқлигича қолмоқда.

Манбаларга мурожаат қилмасдан туриб бу нусхаларнинг шакли, матн тартиби ҳақида маълумот бериб бўлмайди, чунки бу нусхаларнинг ҳеч бири бизгача етиб келмаган. Миқдоднинг нусхасига келсак бу ҳақда ҳатто ривоятларда ҳам маълумот деярли учрамайди. Абу Мусо Ашъарийнинг мажмуаси ҳақида «Итқон» китобида маълумот келиб унда, Убай ибн Каъб мажмуасидан бир сурани ўз мажмуасига кўчириб олгани ҳақида айтилади.

Қуръоннинг Убай ибн Каъб томонидан тўпланган мажмуаси ҳақида Ибн Надим ўзининг Фихрист номли асарида келтирилишича Убай ибн Каъб мажмуасида суралар тартиби қуйидагича экани маълум бўлади:

⁸⁰Ўша асар. – Б. 259.

Фотиҳа 1 ⁸¹
Бақара 2
Нисо 4
Оли Имрон 3
Анъом 6
Аъроф 7
Моида 5
Юнус 10
Анфол 8
Тавба 9
Ҳуд 11
Марйам 19
Шуъаро 26
Ҳаж 22
Юсуф 12
Каҳф 18
Наҳл 16
Аҳзоб 33
Исро 17
Зумар 39
Жосия 45
Тоҳа 20
Анбиё 21
Нур 24

⁸¹ Сурадан кейинги
рақам унинг Усмон
мусхафи бўйича
тартибини
англатади.

Ғофир 40
Раъд 13
Қасас 28
Соффат 37
Сод 38
Ясин 36
Ҳижр 15
Шӯро 42
Рум 30
Зухруф 43
Фуссилат 41
Сажда 32
Иброҳим 14
Фотир 35
Фатҳ 48
Муҳаммад 47
Ҳадид 57
Мужодала 58
Фурқон 25
Нух 71
Аҳқоф 46
Нух 50
Роҳман 55
Воқеа 56
Жин 72
Нажм 53
Қалам 68
Ҳаққо 69

Ҳашр 59
Мумтаҳана 60
Мурсалат 77
Наба 78
Инсон 76
Таквир 81
Нозиат 79
Абаса 80
Мутоффифин 83
Иншиқоқ 84
Тин 95
Алақ 96
Ҳужурот 49
Мунофиқун 63
Жумъа 62
Талоқ 65
Фажр 89
Мулк 67
Лайл 92
Инфитор 82
Шамс 91
Буруж 85
Ториқ 86
Аъла 87
Ғошия 88
Тағобун 64
Баййина 98
Соф 61

Зуҳо 93
Шарҳ 94
Қориъа 101
Такасур 102
Хулъ сураси
Ҳафд сураси
Хумаза 104
Залзала 99
Одиёт 100
Фил 105
Кавсар 108
Қадр 97
Кафирун 109
Наср 110
Масад 111
Қурайш 106
Ихлос 112
Фалақ 113
Нас 114

Суютий «Итқон» китобида Убай ибн Каъб мажмуасидаги сураларни 116 та деб келтирса, яна бошқа бир жойда 115 та деб келтиради. Убай ибн Каъбнинг мажмуасидаги яна бир аҳамиятга молик жиҳатлардан бири, унда Усмон мусҳафида учрамайдиган икки сурани учратиш мумкин. Баъзан бу суралар «Хуль» ва «Ҳафд» суралари деб аталса, гоҳида «Қунут» суралари, ҳаттоки «Қунут» сураси деб ҳам келтирилади. Лекин унинг Қунут дуоси, фажр дуоси ёхуд умуман дуо деб аталиши унинг сура эмас, дуо эканини билдиради⁸².

Т.Нёльдеке бир қанча таҳлиллардан сўнг икки сура Қуръондан эмас деган хулосага келади. Бошқа бир ривоятда Абу Мусо Ашъарийнинг мажмуасида ҳам бу икки суранинг борлиги таъкидланади. Кўплаб ихтилофлар бўлишига қарамай, Убай ибн Каъб мажмуаси усмон мусҳафининг умумий асосларига мувофиқ келади, яъни унда ҳам суралар каттасидан бошлаб кичигига қараб тартибланган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Нёльдеке Қуръоннинг яхлит бир китоб шаклида жамланиши ҳақида шарқ мусулмон олимларидан етиб келган турли ривоятларни тизимли равишда ўрганиб уни таҳлил қилди. У амалга оширган таҳлил хулосалари баъзи ўринардаги фақатгина қиёсгагина таянилган субъектив фикрларини инобатга олинмаса, шарқ мусулмон олимлари қарашларидан кескин фарқланмаслигини кузатиш мумкин. Шунингдек, унинг тадқиқот услуби ҳисобланган танқидий қуръоншунослик Қуръон тарихи юзасидан шарқ мусулмон олимлари катта этибор қаратмаган жиҳатларни синчиклаб ўрганиш имконини юзага келтирди ҳамда ғарб мамлакатларида амалга оширилган қатор изланишларга таянч манба вазифасини ўтади.

⁸² Нёльдеке Т. Тариху-л-Қуръон /Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж.Томар. Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1-жилд. – Б. 269.

ХУЛОСА

Ғарбий Европада Қуръонни таржима ва тадқиқот ишларининг вужудга келиши тарихига тўхталар эканимиз мазкур соҳа қуйидаги ўзига хос тўрт даврга бўлинганлигини кузатишимиз мумкин:

X-XII асрларни ўз ичига олаган дастлабки давр. Мазкур даврда Қуръон баъзи христиан руҳонийлари томонидан бир томонлама, ноҳолис тарзда ўрганилди. Мазкур босқичнинг юзага келиш сабаби эса юқори суръатларда тарқалиб бораётган ислом тамаддуни ва унинг ён атрофдаги цивилизацияларга қаратилган диний, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий улкан таъсири оқибатида вужудга келди деб айтиш мумкин.

XII-XIV асрларни ўз ичига олган салиб юришидан кейинги давр. Ушбу даврга келиб Европаликлар Ислом таълимотига, хусусан, Қуръоннинг таржима ишларига жиддий эътибор қаратдилар. Зероки, салиб юриши Европа зиёлилари ўртасида исломга дин сифатида қизиқишни ортирди. Бироқ, мазкур даврда дастлабки давр таъсири остидаги нотўғри хабарлар ҳаққоний маълумотлар билан қоришиб кетганлиги кузатилади.

XV-XVIII асрларни ўз ичига олган ғоявий курашлар даври. Айнан мазкур даврга келиб ислом нафақат дин, балки улкан таъсир доирасига эга бўлган мафкура сифатида эътироф этила бошланди. Шу билан бир қаторда мазкур давр Ғарбий Европанинг Усманийлар империяси билан қонли курашларни бошдан кечирганлиги билан фарқланиб туради. Албатта, бундай карама-қаршиликлар Қуръонни таржима ва тадқиқ этиш ишларида ўз акс таъсирини ўтказмай қолмади. Ўз навбатида христиан муаллифлари Қуръонга нисбатан ноҳолисона баҳо бериб «иблисона қонунлар», «зулм китоби» атамаларидан кенг фойдалана бошладилар. Шунингдек мазкур давр оралиғида христианлик таълимотининг протестантлик йўналишининг турли оқимлари вужудга келган давр бўлиб ҳам ҳисобланади. Айтиш мумкинки, Европанинг мафкуравий муҳити католицизм ва реформация ҳаракатлари ўртасидаги ички низоларни бошдан кечирди. Ҳар иккала тараф ўзини ҳақ

эканлигини исботлашга уринар ва ҳар икки томон тарафдорлари «папалик ва турклар»га ёки «жодугарлик ва турклар»га қарши чиқиб, биргаликда исломни айблашар эди. Шунга қарамасдан Ғарбий Европада исломшуносликка пойдевор айнан мазкур даврда қўйилганини маълум бўлади.

XIX-XX асрларни ўз ичига олган танқидий қуръоншунослик даври. Бу давр бошқа даврлардан илмийлик ва холислик тамойилларини устун экани билан ажралиб туради. Динни давлатдан тўлиқ ажралгани Қуръоншунослик тадқиқотларда илмийлик ва холислик мезонларига алоҳида урғу қаратиш имкониятини яратди. Яна шунингдек мазкур давр хусусиятларидан бири Қуръонни Таврот ва Инжил билан қиёсий таҳлил услуби ўрганилиши билан ажралиб туради. Табиийки, бундай услубнинг ўзига хос ютуқ ва камчиликлари мавжуд экани ҳеч кимга сир эмас. Бу ўринда хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ғарб ва Шарқ оламининг Қуръонни тадқиқ этишидаги фарқлари қисқариб, услублари бир-бирига яқинлашиб бормоқда. Фарқланишни қисқариб бориши эса ўзаро ихтилофли масалаларни ойдинлашуви ҳамда илмий тадқиқот ва таҳлил усуллари сони ва сифатини ортиш билан бевосита боғлиқдир .

Нёльдеке танқидий қуръоншуносликнинг асосчиларидан бир ҳисобланади. Унинг Қуръон тарихига бағишланган «Geschichte des Qörans» асари эса ғарб танқидий қуръоншунослиги ривожда муҳим аҳамият касб этиш билан бирга кейинги тадқиқотларга намуна сифатида хизмат қилди. Асарда Қуръон тарихига оид маълумотлар қиёсий услубда ёритилади. Шунингдек, асарда ғарб олимларидан Г.Вайл, мусулмон олимларидан эса Замахшарийнинг фикрлари нисбатан кўпроқ учратиш мумкин. Мазкур асар ғарбда мутахассислар ва омма қизиқишини ўзига тортган бўлса шарқ мусулмон дунёсида эса фақатгина тор доира мутахассислар томонидан қисман ўрганилган.

Ғарб қуръоншуносларининг деярли барчаси ўз тадқиқотларида Муҳаммад (с.а.в)нинг ваҳий қабул қилиши юзасидан турли муносабат билдирганлар. Ёндашув ва тадқиқот натижаларининг ҳилма-ҳиллиги баҳс, мунозараларга сабаб бўлиш билан биргаликда чуқур изланишларга туртки бўлганлигини эслаб ўтиш жоиз. Аксарият ғарб тарихчиларининг ёндашувлари Муҳаммад(с.а.в.)нинг пайғамбарлик фаолиятини икки жиҳатдан ёритиб беради: Биринчи ёндашув хулосаси уни сохта пайғамбар сифатида баҳолайди (буни психологик ҳолат сифатида тавсифлаб, христиан илоҳиётини давом эттирувчи шахс деб таърифлаб, ҳеч қандай паталогияда айбламайди).

Иккинчи ёндашув хулосасига кўра эса, тиббий психологик ҳолатни бошдан кечирган, патологиянинг юқори босқичидаги шахс сифатида баҳоланган. Нёльдекенинг пайғамбарлик ва ваҳий ҳақидаги қарашларига назар ташласак ваҳий яҳудийлик ва христианлик таъсири остида шаклланган деган фикрни кўриш мумкин. Умуман, ислом таълимотига эътибор қаратсак, яҳудийлик ва христианлик таълимотлари ғояларини тўлдириб келган мукаммал бир ғоялар тизими сифатида баҳолаш мумкин. Аммо олимнинг ислом таълимотидаги барча хусусиятлар яҳудийлик ва христианлик таълимотидан таъсирланиш, деб баҳо бериши бир тамонлама, ноҳолис ёндашувдан далолат беради. Яна шунингдек Нёльдекенинг тадқиқотларида атамаларни луғавий таҳлилини ҳам кузатилади.

Олимнинг Қуръон сураларининг нозил бўлиш тартиби ҳақидаги фикрларининг аксарияти мусулмон олимларининг қарашларига яқин эканлиги ҳам тадқиқотлар давомида маълум бўлди. Жумладан, Нёльдеке ўзининг тадқиқотида Макка ва Мадинада нозил бўлган сураларни мусулмон олимларнинг анъанавий услуби каби ажратган. Қўшимча равишда, Макка даврини яна уч даврга бўлади. Унга кўра, биринчи даврга асосан қасам билан бошланган сураларни киритади. Иккинчи даврга биров узунроқ сураларни киритиб, Аллоҳнинг барча нарсага қодирлиги баён этилган суралар,

қиссалар, Муҳаммаднинг фаолияти бошқа пайғамбарлар каби экани, унга эргашганларнинг ҳолати бошқа пайғамбарлар эргашувчилари каби эканлиги айтилади. Учинчи даврда илгариги суралар хусусиятлари янада аниқроқ баён этилади, пайғамбарлар қиссалари такрорланиб, қўшимчалар қилинади.

Бундай бўлишда у асосан сураларнинг услубларига таянади ҳамда унинг тадқиқотида маккий суралар орасида маданий оятларнинг бўлиши ёки маданий суралар таркибида маккий оятларнинг бўлиши истисно ҳолатларда эканлиги таъкидланади.

Т.Нёльдеке Қуръоннинг жамланиб, китоб шаклига келиши ҳақида шарқ ва ғарб олимларининг маълумотларини тизимли равишда таҳлил қилади ҳамда ўз муносабатини билдиради. Айтиш мумкинки, унинг Қуръонни ягона шаклга келтирилиши ҳақидаги хулосалари шарқ мусулмон олимларининг қарашларидан кескин фарқланмайди. Шунингдек, унинг тадқиқот ишида мусулмон олимлари катта аҳамият қаратмаган саҳобаларнинг жамланмалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилади.

Умуман, Т.Нёльдекенинг Қуръон тарихи бўйича олиб борган изланишлари ҳамда амалга оширган тадқиқот ишлари ғарб қуръоншунослигига катта таъсир ўтказди. Шу билн бир қаторда, у ривожлантирган танқидий қуръоншунослик эса ҳозир ҳам ғарб қуръоншунослигида алоҳида аҳамият касб этди.

Т.Нёльдекенинг Қуръонга бўлган асл муносабати қуйидаги фикрлардан билиш мумкин: Ислом ва Қуръон илмий мантиқ ва батамом ишонарли услуб асосида инсонларга мурожат қилади. Оқибатда уларга катта таъсир ўтказди. Мазкур дин ҳатто ўз душманлари қалбини ҳам забт этиб, ўзига жалб этади. Зеро, Қуръон эътибор чўққисига ўзига хос фасоҳат ва оддийлиги билан эришди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И. А. Биз қуриш, яратиш йўлидан борамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 112 б.
2. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 160 б.
3. Каримов И. А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 16 б.
4. Каримов. И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. –
5. Karimov.I.A. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. – Т.: O'zbekiston, 2011. – 430 б.

II. МАНБАЛАР: Чоп этилган асарлар:

1. Ақром Зиё Аъмрий. Сийратун набавиятус соҳиҳа. – Мадина: «Мактабатул уълум вал хикма», 1994. I жилд.
2. Абул Фидо Исмоил ибн Касир. Бидая ван нихая. Абдуллоҳ ас-Сидқий ва
3. Ал-Мўъжам ал-Васит. Қоҳира: Мактабатуш-шуруқ ад-давлийя, 2010. – 950 б.
4. Ал-Мунжид фи-л-луғат. Байрут: Дор ал-Машрик, 2009. – 1014 б.
5. Библия.– М: Российское Библейское общество, 1998.–980 б.
6. Жалолиддин Абдурахмон Суютий. Итқон фий улумил Қуръон. Байрут: Дарул маърифат, 1998. – 265 б.
7. Жалолиддин Абдурахмон Суютий. Асбабул нузул. Муҳаммад Тамир таҳрири остида. Қоҳира: Мактабатус сақофатид диния, 2001. – 192 б.
8. Мустафо Содик ар-Рифоъий. Иъжозул Қуръон ва балағатун набавия. Байрут: Дарул китобил арабий, 2005. – 235 б.
9. Муҳаммад Ғозий Байзун таҳрири остида. Байрут: Дорул Маърифат, 1998. V жилд.

10. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 1ж.
11. Фаҳд ибн Абдурраҳмон ибн Сулаймон Румий. Диросат фий улумил қуранил карим. ар-Риёз: Мактабатул малик Фаҳдул ватаний, 2005.
12. Муҳаммад Ризо.Зуннурайн Усмон бин Аффон. Байрут: Мактабатул асрия, 2003. –180 б.
13. Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий. Ла ятиҳил батил. Дамашқ: Дарул фикр, 2008. –238 б.
14. Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий. Фикҳу сийратин набий. Димашқ: Дарул фикр, 1991. – 575 б.
15. Қуръони карим / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – 672 б.
16. Қуръони карим маъноларининг таржимаси/Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001. – 617 б.

III. ТАДҚИҚОТЛАР:

А) Ўзбек тили:

22. Абдуллаев А.Ғ. Қуръоншунослик//ўқув қўлланма. –Т.: Тошкент ислом университети. 2011. – 191 б.
23. Абдуллаев А. Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди. // Тошкент ислом университети Илмий-таҳлилий ахбороти. – Т.: 2002. – №1. – Б. 28–31
24. Обидов Р. Қуръон, тафсир ва муфассирлар. – Тошкент, 2002. – 476 б.
25. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи / Арабчадан Абдуллоҳ шайх Исмоил Махдум ўғли таржимаси. –Т.: Мовароуннаҳр. 1995. – 59 б.
26. Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. Т.: Тошкент ислом университети. 2001. – 253 б.

Б) Рус тили:

27. Резван Е.А. Коран и его мир.-Санкт-Петербург: С-Петербургское востоковедения, 2001. – 604 с.
28. Монтгомери Уотт. Влияние ислама на средневековую Европу. Пер. с англ. С.А.Шуйского. -М.: Наука, 1976. – 128 с.
29. Франко Кардини. Европа и ислам история непонимания. –Санкт-Петербург: Alexandria, 2007. – 214 с.
30. Ислам в России: Взгляд из регионов / науч. ред. А. В. Малащенко. -М. : Аспект Пресс, 2007. – 129 с.
31. Климович. Л.И. Книга о коране, его происхождении и мифологии. Москва: Издательство политической литературы; 1986. – 284 с.
32. Сайид Мухаммад Бакир Худжати. Исследование по истории корана. Перевод с фарси Тажиддин Мардони/Тегеран: Аль-Хода; 2007. – 436 с.
33. Королева К.нинг умумий таҳрири остидаги муаллифлар жамоаси. Ислам классический энциклопедия. – М: «Эксмо»сбп«Мидград», 2005. – 412 с.
34. Белл Р. Уотт У.М. Коранистика введение. Перевод с англиски С.А.Жданов, Б.В.Норик, М.Г.Романов. –М.: Санкт-Петербург: Диля, 2005.– 254 с.

В) Араб тили:

35. Ҳасан Ҳанафий. Фи ал-фикр ал-ғарбий ал-маъасир. Байрут: ал-муассасат ул-жамъия, 1990. 1 ж.
36. Нёльдеке.Т. Тариху-л-Қуръон. Байрут: Конред Аденаур, 2004. 1 ж.
37. Абдурахмон Бадавий. Аш-Шубҳат ул-мазуъма ҳавлал Қуръан. Дамашқ: Дар ул-фикр, 1997. 1 ж.

Г) Ғарб тиллари:

38. Hans Küng. Der Islam wessen und Geschicgte. München:Sonderausgabe 2007. – 891 б.
39. Nöldeke.T. Das Leben Muhammed's. Lepsigh: Gari Ramler, 1863. – 181 p.

40. Nöldeke.T. Geschichte des Qorans. Lepsigh: dietrech'she Verlagbuchhandlung, 1926. – 368 p.
41. Encyclopedia of Islam / New edition. V. IV. Leiden, 1977. – pp. 1020-1022 p.
42. T.Nöldeke. Das Leben Muhammed's. Lepthig:Gari Rümpler,1863. – 181 p.

Д) Урду тили:

43. Тақий Усманий. Улумул Қуръон. Карачи: Мактабатул улум Карачий, 1997. – 270 б.

Интернет сайтлари.

44. dic.academic.ru/dic.nsf/bse/166994/Нёльдеке.
45. http://www.gumer.info/bogoslov_Buks/Relig/klass/11.php Луғат тузувчилар: М. О. Васильева, А. Н. Красников, Е. С. Эл-бакян.
46. <http://www.surbor.su> : Литературная энциклопедия
47. www.archive.org/ THE QUR'AN An Introduction by Theodor Nöldeke
48. www.muhammadanism.org
49. goliath.enext.com/.../Theodor-Nöldeke Father of Quran critics
50. www.iymon.com.
51. www.tafsir.org.

Илова.

**Теодор Нёльдекенинг Қуръон сураларининг нозил бўлиши бўйича
тақдим этган хронологик жадвали.**

№	Нёльдеке	Усмон мусхафи	№	Нёльдеке	Усмон мусхафи
1	96	1	16	91	16
2	74	2	17	80	17
3	111	3	18	68	18
4	106	4	19	87	19
5	108	5	20	95	20
6	104	6	21	103	21
7	107	7	22	85	22
8	102	8	23	73	23
9	105	9	24	101	24
10	92	10	25	99	25
11	90	11	26	82	26
12	94	12	27	81	27
13	93	13	28	53	28

14	97	14	29	84	29
15	86	15	30	100	30
31	79	31	46	113	46
32	77	32	47	114	47
33	78	33	48	1	48
34	88	34	49	54	49
35	89	35	50	37	50
36	75	36	51	71	51
37	83	37	52	76	52
38	69	38	53	44	53
39	51	39	54	50	54
40	52	40	55	20	55
41	56	41	56	26	56
42	70	42	57	15	57
43	55	43	58	19	58
44	112	44	59	38	59

45	109	45	60	36	60
61	43	61	76	14	76
62	72	62	77	12	77
63	67	63	78	40	78
64	23	64	79	28	79
65	21	65	80	39	80
66	25	66	81	29	81
67	17	67	82	31	82
68	27	68	83	42	83
69	18	69	84	10	84
70	32	70	85	34,	85
71	41	71	86	35	86
72	45	72	87	7	87
73	16	73	88	46	88
74	30	74	89	6	89
75	11	75	90	13	90

91	2	91	106	60	106
92	3	92	107	61	107
93	4	93	108	62	108
94	5	94	109	63	109
95	8	95	110	64	110
96	9	96	111	65	111
97	22	97	112	66	112
98	24	98	113	98	113
99	33	99	114	110	114
100	47	100			
101	48	101			
102	49	102			
103	57	103			
104	58	104			
105	59	105			

**Қуръон сураларини нозил бўлган ўрни юзасидан тадқиқот олиб борган
машҳур ғарб қуръоншуносларининг хулосалари.**

Тадқиқотчи номи	Маккада нозил бўлган суралар сони		Мадинада нозил бўлган суралар сони	
Т.Нёльдеке	90		24	
Егип	86		28	
Гримме	92		22	
Мьюр	93		21	
Белл	Маккада нозил бўлган суралар	Макка ва Мадинада нозил бўлган оятлардан таркиб топган суралар	Мадинада нозил бўлган суралар сони	Нозил бўлган ўрни номалум суралар
	19	57	28	10